Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 25-noyabr № 139 (2864) payshanba

# Ўзбекистон – Қатар: Ҳамкорликни изчил ривожлантириш йўлида

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.***

Қатар Давлати араб дунёсида жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда салмоқли нуфузга эга мамлакатлардандир. Унинг йирик сиёсий анжуманларга, спорт мусобақаларига мезбонлик қилиши бунга мисолдир. Қатар илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларида ҳам араб мамлакатлари орасида етакчилик қилади.

Ўзбекистон ва Қатар халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қатарнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англатади. Шу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг Қатарга ташрифи ўз вақтида амалга оширилган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

24 ноябр куни Қатар Давлати Амирининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қатар ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини, айниқса транспорт коммуникациялари, нефт-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ бўлишини таъкидлади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистоннинг Форс кўрфази ва бутун араб дунёси билан муносабатларини ривожлантиришда ҳам долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

**(Давоми 2-бетда)**

# Озод юртнинг обод уйлари



# Тараққиёт ва фаровонлик – бош мақсадимиз

***Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном олган 2009 йилда «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу ғояни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.***

***Мазкур дастурга биноан, аввало, қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдири ва келажагини ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини — лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.***

***Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилган эди. Яқинда мазкур институт раҳбари Азиз Умаров мухбиримизга ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар, галдаги режалар ҳақида сўзлаб берди.***

— Матбуот нашрларини кузата туриб «Озод юртнинг обод уйлари» деган иборага тез-тез кўзимиз тушади. Чиндан ҳам юртбошимизнинг ташаббуси билан қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, намунавий лойиҳалар асосида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилаётгани кишини қувонтиради. Бунда институтимиз ходимларининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилаётгани қишлоқларимиз қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли пунктларини босқичма-босқич изчил ривожлантириш имконини бераётир.

Институтимизда 2009 йилда асосий бош режалар ва 26 та намунавий уй-жой лойиҳаси тайёрланди. Бу йилга келиб, қишлоқ фуқаролар йиғинининг 65 та бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Режалар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Жорий йилда 3 та намунавий: уч, тўрт ва беш хонали уй-жой лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уларнинг аввалгиларидан афзаллик томони — аввало, баландлигида. Ўтган йилдаги уйларнинг баландлиги 3 метрни ташкил қилар эди.

Президентимиз Фарғона вилоятида бўлган чоғида янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашиб, экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

***(Давоми 4-5-бетларда)***

Ishonch 2010-yil 25-noyabr
№ 139 (2864)

# Ўзбекистон — Қатар: Ҳамкорликни изчил ривожлантириш йўлида

(Боши 1-бетда)

Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Қатарда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққат билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Қатар ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Қатар БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида Ўзбекистон билан Қатар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Қатар табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улушини ошириш, умуман, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида тажриба алмашиш, энергетика, кимё саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, сайёҳлик, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини шакллантириш борасидаги ташаббусини ҳаётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда Теҳронда Ўзбекистон, Эрон, Уммон ва Туркманистон вакилларининг кенгаши ўтказилиб, унда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Туркманистон Эроннинг жанубий бандаргоҳлари билан темир йўл орқали боғлаш Форс ва Уммон кўрфазлари билан бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ғоят муҳим алоқа тармоғини яратиш имконини беради. Юклар, жумладан, транзит юклар ташувига автомобил ва денгиз транспорти ҳам жалб этилса, савдо ҳажми янада ортади. Қатарнинг бу жараёнда иштирок этиши минтақада сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, жумладан, мазкур транспорт тармоғини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ва Қатар нефть ва газни қайта ишлаш, савдо, қурилиш, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга эга. Хусусан, нефт-газ ва тўқимачилик саноатида хомашё ва тайёр маҳсулот нархи ўртасида катта фарқ бўлади. Қўшма корхоналар тузиш бу йўналишларда икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қатар қурилиш соҳасида ҳам бой тажриба орттирган. Шу маънода қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси истиқболли саналади.

Томонлар яқинда Қатар пойтахтида ўтган икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми натижаларини юксак баҳоладилар. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган эди. Бундай тадбирлар икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти билан атрофлича танишиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларни оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқинда Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилиб, Доҳа университетида унинг тақдимоти бўлди. Бу Қатарда Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқига ва унинг маънавий қадриятларига, Мовароуннаҳрнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига юксак ҳурмат-эҳтиромдан яна бир ёрқин далолатдир. Бу эса икки мамлакат ўртасида гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун Ўзбекистон ва Қатар дунёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган беш мамлакат сирасига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Музокара якунида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг Қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан «Қатар холдинг» сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари билан «Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед» компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдо-саноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатарнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос яратади.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ислом санъати музейига ташриф буюрди. Бу ерда Марказий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларидан, Ҳиндистон, Испания ва кўплаб бошқа давлатлардан келтирилган қадимий артефактлар, манускриптлар, қурол-аслаҳа намуналари, амалий санъат ва халқ ҳунармандлиги буюмлари намойиш этилади. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимиз раҳбари ушбу музей Қатарда ислом цивилизацияси қадриятлари алоҳида эъзозланишидан далолат эканини таъкидлади. Музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президент Ислом Каримов Доҳа марказидаги «Таълим шаҳарчаси» — замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган бу мажмуа юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган. Улар орасида Жоржтаун ва Виржиния университетларининг (АҚШ) филиаллари ҳам бор. «Таълим шаҳарчаси» нафақат Қатар, балки бутун Форс кўрфази минтақасининг энг нуфузли илм-фан ва таълим маркази сифатида эътироф этилган.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қатар Давлатига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф икки мамлакат муносабатлари тарихидаги олий даражадаги илк учрашув бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ва улкан имкониятлар яратади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
Тошкент — Доҳа — Тошкент

## Муносабат

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги маърузаси юртимиз зиёлилари ва кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.***

# Ҳимоя — муҳим омил

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институти аҳоли кенг қатлами томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу табиий. Чунки унинг фаолияти тамойиллари аҳолининг турли тоифалари манфаатини ифодалайди. Буларнинг ичида энг оммавийси, касаба уюшма ташкилотларидир.

Йилдан-йилга демократик ислоҳотларни амалга ошириш фуқаролик жамиятини шакллантиришда касаба уюшмаларининг роли кучаймоқда. Қонунларга мувофиқ, бу ташкилот Ўзбекистон ҳудудида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

«Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтини янада ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Чунки бу институт демократик қадриятларни ҳимоя қилиш фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини оширишга гаровидир.

Бизнинг вилоят кенгаши томонидан ушбу концепцияни меҳнат жамоаларида кенг муҳокама қилиш давом этмоқда.

**Анора БОБОМУРОДОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси**

* * *

Матбуот нашрлари жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Унда кишилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, ҳаётнинг турли доираларида содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этади. Матбуот — кишилар ақлига таъсир этувчи катта куч.

Оммавий ахборот воситаларида ишлаш жараёнида фуқаролик позицияси, журналистлар фаоллиги нима эканлигини англаб етдим. Мустақиллик йилларида ахборот доираси тўлиқ эркинликка эришди. Журналистлар ахборот технологияси ва тизими орқали информацион ресурслардан кенг фойдаланиш имконига эга бўлди. Ахборот доирасини ислоҳ қилиш ва сўз эркинлигини таъминлаш концепциясидаги қоидалар оммавий ахборот воситалари самарадорлигини ошириш учун барча имкониятларни очиб беради.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

# Сиёсий, ҳуқуқий, маънавий

***Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ, «Умид Гулшани» санаторийсида тизимни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини бажаришда, халқ соғлигини мустаҳкамлашда ўзининг катта ҳиссасини қўшган 70 нафар ходим бир ҳафта давомида дам олдирилиб, соғломлаштирилди.***

***Қатор маданий ва маърифий тадбирлар доирасида улар фан, маданият, жамоат арбоблари ва ёзувчи-шоирлар билан учрашишди.***

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг мазмун-моҳияти юзасидан маърузалар тингланди. Сиёсий шарҳловчи, тарих фанлари доктори Қобилбек Каримбеков Ўзбекистоннинг сиёсий майдонда тутган ўрни, унинг нуфузи ортиб бораётганлиги, иқтисодиётимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар ҳақида тингловчиларга сўзлаб берди.



Айниқса, олим ва адиб Пирмат Шермуҳаммедовнинг маънавий меросимиз, маданий бойликларимиз, ўзбек хотин-қизларининг жамиятдаги тутган ўрни ҳақидаги мулоҳазалари олқишлар билан кутиб олинди.

Дарҳақиқат, бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини халқаро жамоатчилик тан олган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг юқори босқичга кўтарилишида улуғ алломаларимизнинг хизматлари беқиёс эканлиги қалбимизга ғурур-ифтихор бағишлайди.



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов ушбу матбуот нашрларининг касаба уюшмалари фаолиятини ёритишдаги ўрни хусусида тўхталди. Газеталарнинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун кадрлар масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги тўғрисида сўзлади ва газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

---

**Касаначилик**

***Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида 444 нафар киши касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Ўтган ойлар мобайнида улар томонидан 70 миллион сўмлик иш бажарилди.***

## Ишлаб кам бўлаётганим йўқ

**— Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида ишга жойлашдим, — дейди касаначилардан бири Дилфуза Қўзибоева. — Ишлаб кам бўлаётганим йўқ. Иш ҳақи ҳар ойда беріляпти. Шартнома бўйича меҳнат дафтарчаси очилган, корхона ишчилари қатори барча имтиёзлардан фойдаланяпмиз.**

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

---

**Ўқув-семинар**

## Меҳнат муҳофазасини яхшилаш

### ҳар биримизнинг бурчимизга айлансин

***Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги «Тармоқ ташкилотлари ва корхоналарида меҳнат муҳофазаси юзасидан ишларни ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинарини ўтказди.***

Мазкур тадбирда вилоятдаги йирик тармоқ, корхона ҳамда ташкилотларнинг касаба уюшма етакчилари ҳамда касаба уюшма ташкилоти қошидаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раислари, жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирок этишди.

Ўқув-семинарида Марказий кенгашнинг бош мутахассиси Дилшод Абдураҳмонов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эркинали Усмонов, «Ўзбекистон қурилиш материаллари» акциядорлик компаниясининг бош мутахассиси Шокир Орифжонов, вилоят «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» бош бошқармасининг мутахассиси Матлуба Ашурбекова сўзга чиқиб, мавзуга оид фикрлари билан ўртоқлашишди.

Тадбирда вилоят вакиллиги ва тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси бўйича фаолиятини янада яхшилаш юзасидан келгусидаги ишлар режалаштириб олинди.

**Алижон УМАРОВ,**
**тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вилоят вакиллигининг етакчи мутахассиси**

---

## Модернизация самараси

**«Ховосдонмаҳсулотлари» акционерлик жамияти корхонасида 517 минг АҚШ доллари микдоридаги маблағ ҳисобидан кам харажат талаб этиладиган ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхонада ҳар куни 100-110 тонна ун ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.**

---

**Хабарлар оқимидан**

***Ховос тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш ,фойдаланиш давлат корхонаси қошида асфалт ишлаб чиқарадиган янги завод ўз фаолиятини бошлади.***

## Иш ўринлари кўпайди

Натижада, 105 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган асфалт вилоят ҳудудидаги қурилиш объектларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

---

## Замонавий тиббий технология

***Ўтган йили Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоят филиалининг рентген-диагностика бўлими маҳаллий бюджет маблағи ҳисобига қурилган янги бинода фаолиятини бошлаганди.***

Яқинда бу ерга «Ислом тараққиёти» банки кредити асосида Германиянинг «Simens» фирмаси ишлаб чиқарган замонавий тиббий технология — компютер-томограф келтириб ўрнатилди. Эндиликда энг мураккаб тиббий амалиётлар шу ернинг ўзида бажарилади.

**Мансур ЗОИРОВ**

---

***Касби туманининг Жизза қишлоғида ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар кўп. Муяссар Мустарова кафтдек томорқасини гуллатиб, унинг даромади эвазига рўзғорига барака киритаётганлардан бири.***

## Даромад 5 млн.сўм

**— Тўрт ярим сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, субтропик ўсимликлар ва ҳар хил резаворлар экдик, — дейди ишбилармон аёл. — Аҳолини қишин-ёзин сархил мева-чева ва кўкатлар билан таъминлаб келяпмиз.**

**Муяссар опа иссиқхонасидаги 60 туп лимондан 5 млн. сўм даромад олишни режалаштириб турибди.**

**Иззат ҲИКМАТОВ**

---

## Виждон қонуни билан

**Қарор ва ижро**

Тасодифан жиноят йўлига кириб қолган, умрининг азиз йилларини «тиконли сим» ортида ўтказаётган айрим шахслар билан суҳбатлашсангиз, дилида кечаётган пушаймон, изтиробларни тинглайсиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори эса бундай кишилар учун ўзига хос бағрикенглик тимсоли бўлди.

Мазкур қарор асосида Навоий вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг 475 нафари ана шундай бағрикенглик насимидан баҳраманд бўлди. Жорий йилнинг 5 октябр куни қарорда белгиланган талаблар асосида 50 нафар маҳкум озод этилиб, қадрдон оиласи бағрига қайтди. Уларнинг ҳамда қучоқ очиб кутиб олаётган оила аъзолари хурсандчилигининг чеки йўқ.

Хато йўлга адашиб кириб қолганлар берилаётган имкониятни тўғри тушуниб, бундан кейин ҳалол меҳнат эвазига турмуш кечиришга интиладилар. Уларни биринчи навбатда фойдали иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

**Алишер МУСТАФОЕВ,**
**Навоий махсус прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси**

# Озод юртнинг



**_Кўҳна Самарқандда ҳам қишлоқлар қиёфасига орасталик олиб кириш мақсадида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 21 та массивда қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилди. Барпо этилаётган 650 та уй-жойда 38,8 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. Айни чоққача 450 та уй-жой қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. 200 тасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари якунланяпти._**

## Тунни тонгга улаб...

Айниқса, янги қўрғонча типидаги уйлар аҳолига жуда манзур бўлмоқда. Келгусида вилоятимиз туманларидаги 23 та қишлоқда намунавий лойиҳалар бўйича 695 та уй қурилиши режалаштирилган. Биз лойиҳаларни такомиллаштириб, яшовчиларга янада қулайлик яратиш пайидамиз. 2011 йилда янги намунавий лойиҳа бўйича 3, 4 ва 5 хонали уйлар қурилади. Мутасаддилар билан лойиҳаларни чуқур ўрганиб, энг манзурлари танлаб олинди. Мазкур объектларда бир қатор ўзгаришлар бор. Жумладан, ўтган йилларда қурилган тўрт хонали уй 122 кв. метрни ташкил этган бўлса, янги лойиҳада 172 кв. метрга етказилади. Ювиниш хоналари қулай жойга кўчирилиб, уйни иситиш қозонхонаси ҳовлининг хўжалик қисмига кўчирилади. Хуллас, талабдан келиб чиққан ҳолда қатор янгиликлар киритилган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизнинг барча қишлоқларида шинам, яшаш учун қулай уй-жойлар қурилиши амалга оширилмоқда. Биз қурувчилар тунни тонгга улаб, ана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаверамиз.

**Сафар КУШАНОВ,**
**«Қишлоқ қурилиш инвест инжиниринг» компаниясининг Самарқанд вилоят филиали директори**

## Саҳро бағрида бўстон

**_Минг йиллар чўлу биёбон бўлган Малик саҳроси энди ҳар томондан сиқилиб бораяпти. Қадам етган манзиллар боғу бўстонга айланаётир. Олис чўл бағрида ташкил этилган кичиккина «Маликобод» маҳалла фуқаролар йиғинида юз бераётган ўзгаришлар, барпо этилаётган гузар ва хиёбонларни кўриб кўзингиз қувнайди._**

Жорий йил эрта баҳорда шаҳарчанинг туташ ҳудудидан 20 хўжалик учун замонавий лойиҳа асосида янги уй қурилиб, эгаларига топширилганди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида яна 20 та бахтиёр оила ана шундай имкониятга эга бўлди. Янги гузар учун дорихона, болалар хиёбони ва қатор савдо шохобчалари, сартарошхона ишга туширилди.

Гузар марказида қуриб битказилган нон ва нон маҳсулотлари цехи ҳам тўла қувват билан ишлай бошлади. Цех бошлиғи Амин Шариповнинг таъкидлашича, ҳозирда бу ерда 25 хилдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Маликободда келгусида янада кўплаб қулайликлар барпо этилиши кўзланаётир.

**Жамолиддин ҲОТАМОВ**

## Ҳақиқатга айланган афсона

**_Кенгесбойга янги уйига кўчиб ўтиши мумкинлигини айтишди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирга келаркан, ҳаяжони ортди. Намунавий лойиҳа билан танишган, очиғи, ўшанда уйи ростданам шу лойиҳа асосида қурилишига унчалик ишонмаган, қурувчиларни, банк ходимларини қайта-қайта сўровга тутганди. Қурилиш бунчалик тез тугашига ҳам кўзи етмаганди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Атиги бир йил муқаддам фойдаланилмасдан ётган, киши кўзига хунук кўринадиган майдон энди гўзал ва обод масканга айланган. 20 та шоҳона уй салобат тўкиб турибди. Бунақа ҳашаматли уйларни у шаҳар марказида учратар, унга ўхшаганини орзу қилишга ҳам истиҳола қиларди. Не бахтки, кўп ўтмай, ўша уйлардан-да кўркам хонадон соҳибига айланди. Кенгесбой Айтбоев, Бобур Камолов каби 20 та ёш оила соҳиби 2009 йилда биринчилардан бўлиб Нукус тумани «Узункўл» массивидаги намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган уйларга кўчиб ўтишди. Ўшанда уларга кўпнинг ҳаваси келди._**

Эндиликда Қорақалпоғистон қишлоқларида замонавий уйлар сони тобора ортмоқда. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш мақсадида ташкил қилинган «Қишлоққурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими ўз атрофида Беруний, Нукус, Қўнғирот, Чимбой филиалларини ва 6 та мини банкни бирлаштиради. 2009 йилда банк республикада 100 та намунавий уй-жой қурилишига маблағ ажратди.

— Намунавий лойиҳалар қишлоқ шароитига мослаштириб қайта ишланди. Ушбу лойиҳаларнинг жами смета нархи 5 млрд. 628 млн. 200 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу миқдорнинг 3 млрд. 768 млн. сўми 15 йил муддатга 7 фоизли кредит ажратиш йўли билан қопланди, — дейди ОАТБ «Қишлоққурилишбанк» Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошқарувчиси Руслан Смагулов.

Намунавий уйлар кўпчиликнинг ҳавасини келтирди. Баъзи бировлар буни «ҳақиқатга айланган афсона» дея таърифлашди. Аслида ҳам мураккаб экологик шароитда яшаб, умри тирикчилик ташвишлари билан кечаётган қишлоқ одамлари жаҳон андозалари даражасидаги гўзал ва шинам, барча қулайликларга эга уйларда яшашни, қишлоқлари обод ва кўркам маконга айланишини тасаввур қилишмаганди.

Умуман, 2010 йилда Қорақалпоғистоннинг 14 та туманида 310 та уй-жой қурилди. Ушбу уйларнинг смета нархи 16 млрд. 586 млн. 500 минг сўмни ташкил қилди. «Қишлоққурилишбанк» томонидан уларни қуриш учун 11 млрд. 511 млн. 800 минг сўм имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Хусусан, Тўрткўл тумани «Баҳор» массивида 60 та, Амударё тумани «Тақирқалъа» ва «Бештом» массивида 60 та турар-жой бунёд этилди.

— 2011 йилда қуриладиган уй-жойлар сони янада ортган, — дейди банк бошқарувчиси Руслан Смагулов. — 13 та туманда жами 345 та турар-жой қуриш режалаштирилмоқда. Ушбу уйларнинг смета нархи 29 млрд. 325 млн. сўм бўлиб, банкимиз томонидан бу маблағнинг 15 млрд. 599 млн. 500 минг сўми имтиёзли кредит ажратиш эвазига қопланиши белгиланган.

Демак, кейинги йили Қорақалпоғистон қишлоқларидаги замонавий турар-жойлар сони қарийб 800 тага яқинлашади. Бу — шунча ёш оила ҳукуматимиз кўмагида ўз уйларига эга бўлади, дегани.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тараққиёт ва фаровонлик —

*(Боши 1-бетда)*

Юртбошимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар — шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инобатга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларининг ўзига хос маҳаллий анъаналари ва табиий иқлим шароитини пухта ўрганмасдан тайёрлангани туфайли айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, меҳмонхона, даҳлиз ва зиналар, ваннахоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилган эди.

Шундан келиб чиқиб 3 та намунавий уй-жой лойиҳаси тузилиб, тасдиқланди ва уйларнинг баландлиги 3 метр 20 см. гача кўтарилди, хоналарнинг майдони кенгайтирилди. Жумладан, олдин ота-оналар ётоқхонаси майдони 9-11 кв.м эди, ҳозирда 16-21 кв.м. гача кенгайтирилди.

Таъкидлаш лозимки, бош режа асосида қурилган уй-жойларнинг афзаллик жиҳатлари кўп. Аксинча, махсус лойиҳа асосида қурилмаган уйларнинг кўчалари тартибсизлиги, нотекис жойлар пайдо бўлишига, канализация, электр тармоқ ва бошқа коммуникация ноқулайликларига олиб келиши мумкин. Бош режа асосида қурилган уйларнинг кўчалари биринчи (катта), иккинчи (ўртача), учинчи (кичикроқ) ва тўртинчи (кичик) даражали кўчаларга бўлинади. Бу кўчаларда жамоат маркази қурилади, марказда эса маиший-маданий, жамоат бинолари ва бошқа савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари шакллантирилади.

Бундай марказдан бутун аҳоли фойдаланиши мумкин. Бош режа асосида бўлганлиги сабабли, кўчаларнинг бир-бирига уланиши, келажакда ривожланиш тақдирлари осонлик билан белгиланади ва барча хизмат кўрсатиш бинолари ўз радиусига эга бўлиб, бинолар шу радиус атрофида жамланади. Лойиҳаларда иқлим омиллари ва бошқалар инобатга олинади.

Республикамизда 2011 йилда 7400 та уй-жой қуриш учун 815 га ер майдони ажратилган. Бу халқимизга қулайликлар яратиб, уйларни арзон нархда сотиб олиш имкониятини беради. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда уй-жойлар қиёфаси, архитектура муҳити, жамоат бинолари йилдан-йилга кўркамлашиб бораверади.

**_— Маълумки, қишлоқ қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири — қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бу борадаги амалий ишлар ҳақида нималар дея оласиз?_**

— Бундан йигирма-йигирма беш йил илгари уй қураман деган киши материал тополмай сарсон бўларди. Айни кунларда қишлоқлар ободонлашгани сари қурилиш материалларига эҳтиёж ҳам ортиб бораяпти. Бугун ҳар бир вилоятда ўнлаб ғишт заводлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб турибди. Айтиш жоизки, мазкур корхоналар зарур қурилиш материалларини имтиёзли нархда қурувчиларга ўз вақтида етказиб бермоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгайиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, ҳар томонлама пишиқ

# обод уйлари



**Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Қишлоқ тараққий топса, ҳаётимиз янада фаровон бўлади». Ана шу эзгу ғоя акс этган махсус Давлат дастури бугунги кунда ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда. Унга кўра, қишлоқларимизнинг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.**

## Миндонобод кошоналари

***Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам намунавий лойиҳалар асосида уйлар қуриш, уларни сифатли қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Миндонобод қишлоғида уй қуриш ишлари бошланганини эшитган Зокиржон Усмонов зудлик билан банкка мурожаат этди. Узоқ муддатли 37 млн. 600 минг сўмлик имтиёзли кредитни расмийлаштирди. Зокиржон аканинг шошилинч қарор қабул қилишига сабаб бор: яшаб турган ҳовлиси Қирғизистон чегарасида жойлашганди.***

— Ҳукуматимизнинг дастури биз сингари оилаларга нажот йўли бўлди, — дейди З.Усмонов. — Қисқа фурсатда битказилган замонавий уйларда барча шароит мавжуд. Икки қаватли, 4 хонадан иборат уйда тотувлик билан яшаяпмиз.

Зокиржон Усмонов туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси сифатида қурилаётган уйларга тез-тез бориб туради.

Жорий йилнинг май ойида Президентимизнинг Фарғонада бўлиб, Миндонободдаги уйларни бориб кўриши, қурилиш жараёни билан қизиқиши аҳоли кайфиятини янада кўтариб юборди.

— Юртбошимизнинг шахсан ўзи замонавий уйларни кўриб, маслаҳат ва тавсиялар бергани, бизни жуда мамнун этди, — дейди қувончини яшира олмаган Зокиржон ака.

Шу йилнинг май ойида Миндонободда қурилган 20 та замонавий уй фойдаланишга топширилди. Жорий йил якунигача яна 40 та уй қуриб битказилади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Талаб ортиб бормоқда

Жиззах вилоятида жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 325 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Қишлоқ жойлардаги 12 та массивда бунёд этилаётган замонавий иншоотлар учун 22 млрд. сўм маблағ сарфланади.

Бахмалнинг Оқтош, Ғаллаоролнинг Сарбозор, Жиззахнинг Учтепа даҳаларида намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган 60 та уйда ҳовли тўйлари ўтказилди.

— Шинам ва замонавий, шаҳарлардагидан асло қолишмайдиган бежирим уйга кўчиб ўтдик, — дейди қувонч билан янги хонадон соҳибаси Дилбар Серибоева. — Дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўладик.



Намунавий лойиҳаларни амалга оширишда қишлоққа якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида иш юритадиган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси вилоят ҳудудий бўлими фаолияти диққатга сазовор.

Жиззах вилоятида ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўли билан қишлоқ инфратузилмасини тубдан ўзгартиришга киришилди. Ҳозирда вилоятда 19 та ғишт заводи, 7 та асфалт, 2 та томёпқич материаллари ишлаб чиқариш корхоналари, Ғаллаоролда бўёқ, Арнасойда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари бир маромда ишлаб турибди. Ушбу корхоналар зарур қурилиш материалларини сифатли тайёрлаб, қурувчиларга имтиёзли нархларда етказиб бермоқда.

— Яхши ният билан уй қуриш халқимизнинг эзгу анъаналаридан, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Мирзачўл туман бўлими раиси Умар Умиров. — Туманимиздаги «Ипак йўли» ҚФЙ ҳудудида намунавий лойиҳа асосида 15 та янги уй қурилмоқда. Ўзига хос кўринишга эга, ҳудуднинг табиий иқлим шароити, миллий менталитетимиз, замонавий яшаш талаблари ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мутахассислар ва жамоатчиликнинг кўригидан ўтган бундай уйларга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## бош мақсадимиз

янги уй-жойлар қурилишига йўл очаётир.

**— Ҳар бир лойиҳа иморатсозлик талабларини инобатга олиб режалаштирилиши, маҳаллий анъаналар ва табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу борада институтда қандай изланишлар олиб борилмоқда?**

— Институт томонидан илмий тадқиқотлар кенг кўламга қўйилган. Қишлоқларни замонавий шаҳарсозлик талабларига мос равишда қуриш ва бунда ижтимоий инфратузилма иншоотлари ҳамда уй-жойларни иқлим, миллий менталитетимизга мос қилиб барпо этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Яъни, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос иқлими, ерости сув яқин-узоқлиги ва миллий анъаналар ҳисобга олинган. Хусусан, айвонлар, ёзги ўтириш хоналари, қишги хоналар ва ҳовли этагидаги томорқалар миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланган.

Шу билан бирга, ходимларимиз вилоятлардаги қурилиш объектларига чиқиб, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш орқали лойиҳаларнинг миллий ва иқлимий хусусиятлари инобатга олинмоқда.

***— Ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг чегараси йўқ деганларидек, бу борада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш, қўлга киритган ютуқларга танқидий кўз билан қараб, уни янада мукаммаллаштириш ҳеч қачон зарар қилмаган. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ҳам айнан шу мақсад кўзланганига шубҳа йўқ.***

***Аҳоли учун бундан ҳам қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳаётимиз сифатини изчил юксалтириш йўлида яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?***

— Дарҳақиқат, юртбошимизнинг сиз таъкидлаб ўтган қарорига мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буён 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қулай шароитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар яратишига шубҳа йўқ. Бундан ташқари, фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида, қозонхона ва ҳовли деворлари алоҳида қуриб берилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, институтимиз томонидан намунавий лойиҳаларни такомиллаштириш борасида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада пойтахтимизда ҳамда мамлакатимизнинг бир қатор минтақаларида ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материаллари ихтисослаштирилган кўргазмалари муҳим аҳамият касб этаётир.

Жумладан, шу йилнинг 22-24 октябр кунлари Ўзкўргазмасавдо марказида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Лойиҳаларни такомиллаштириш мақсадида, дастхат китоби яратилди ва халқимиз бевосита кўргазмага келганда ўз фикрлари ва таклифларини ёзиб қолдиришди. Буларнинг ҳаммаси лойиҳаларни кейинги босқичларида такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

**«Ishonch» мухбири**
**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ**
**суҳбатлашди**

***Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарёнинг олис аҳоли масканларида замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ишлари жадаллаштириляпти.***

***Яқинда Қумқўрғондаги «Хўжақишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлган Раҳмиддин Шаропов суҳбатдошларига давлатимизнинг ғамхўрлиги ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.***

## Қулай, замонавий, кўркам

— Кичикроқ бўлса-да, уй-жой сотиб олмоқчи эдим, — деди у. — Лекин доим ҳам эҳтиёжга яраша имконият бўлавермас экан. «Боғора» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги замонавий типдаги уйлар қурилаётганлиги жонимга оро кирди. Муҳими, 15 йиллик имтиёзли кредит асосида берилар экан. Янги турар-жойлар атрофида болалар боғчалари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат нуқталари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг ҳар томонлама қулай ҳаёт кечириши учун зарур шароитни ўз ичига олган замонавий комплекс барпо этилади.

— 2009 йилда Термиз, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида 20 тадан, жами 60 та замонавий типдаги уй қурилди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Жўра Сафаров. — Тасдиқланган лойиҳа асосида барпо этилган бу уйлар қурилишида, аввало, воҳанинг табиий ўрни, иқлими эътиборга олинган. Бу йил ҳам воҳада барча шароитга эга яна 660 та турар-жой қурилиши ниҳоясига етай деб турибди.

Қурилиш материалларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ҳам вилоятда талай ишлар амалга оширилган. Хусусан, икки миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастер, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этилиб, минг нафар ёшлар учун янги иш ўринлари очилди. Шунингдек, 81 млн. дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та завод 3 навбатда ишлаб турибди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch 2010-yil 25-noyabr № 139 (2864)

# Эҳтиёткорлик – хотиржамлик гарови



*Ушбу тадбирнинг куз фаслининг охири, қиш фаслининг бошларида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки бу даврга келиб кунлик ҳароратнинг кескин пасайиши, қировли кунларнинг бошланиши натижасида айрим фуқароларимиз томонидан қўлбола иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёж бирмунча ортиши кузатилади.*

## Уйимизни ўзимиз асрайлик!

— Жорий йилнинг ўтган даврида туманимиз ҳудудида жами 82 та ёнғин қайд этилди,— дейди Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори Мансур Мирзахўжаев. — Натижада, фуқароларга 2036000 сўм миқдорида моддий зарар етказилди. Ачинарлиси шундаки, 2 нафар ҳамюртимиз турли даражадаги тан жароҳатлари олишди. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 7,2 фоизга камайса-да, бизни асло қониқтирмайди.

Офатнинг олдини олиш, шахсий ва давлат мулкларига талофат етказилиши олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 49 фоизи хонадонларда содир бўлиб, шундан 70-80 фоизи газ иситиш печларидан ва турли электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиққан.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари «Миробод тумангаз» ва Миробод электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан тарғибот ишларига зўр бермоқда. Мавжуд камчиликлар эса бартараф этилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида пойтахтимизда содир бўлган ёнғинларнинг 27 таси хазон, ахлат ва маиший чиқиндиларнинг қўпол равишда ёқиб юборилиши натижасида келиб чиққанлиги ҳам кишини ўйга толдиради. Ҳамюртларимиз хазонларни ёқиб, шаҳримиз кўркига, атроф-муҳитга, қолаверса, ўз саломатлигига путур етказаётганликларини унутиб қўйишмоқда.

Маълумки, кейинги вақтларда маҳаллаларда профилактика инспекторларининг ишига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда барча МТПларда ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Профилактика инспекторлари ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳолатларни назорат қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўришмоқда.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳозирда кўплаб юртдошлар автомобилларни метан, пропан каби газ ёқилғисига ўтказиб, бунинг иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини билиб олган бўлсалар-да, афсуски, унинг бошқа бир жиҳатига, яъни газ ёқилғисидан фойдаланишда алоҳида қоидаларга амал қилинмаса, кўнгилсиз ҳодиса юз беришини ҳам эътибордан четда қолдираётирлар. Айнан шунинг учун ҳам мутасадди ходимлар билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги барча автокорхоналар, автотураргоҳлар ва бошқа тегишли жойларда «Газ-баллон» тадбири ўтказилиши давом этмоқда.

Шубҳасиз, ҳар бир ёнғин – йўқотишдир. Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги, бир умрга ногирон бўлиб қолмаслиги учун барчамиз оловдан фойдаланишда эҳтиёткорликка риоя этишимиз лозим. Шундай экан, мазкур тадбирда барчамиз бирдек фаол қатнашмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Н.ЖЎРАБЕКОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



**Носозликни ўз вақтида тузатинг...**

## Хавфсизлик чоралари кўрилмоқда

***Жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача республикамиз бўйича «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Кўзланаётган асосий мақсад қиш мавсумида электр, газ билан иситилувчи ускуналардан тўғри фойдаланиш, корхоналардаги ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми (ҲЁХҚ) инспекторлари ва ёнғинни олдини олиш гуруҳи (ЁООГ) кўнгиллилари ҳамкорлигида хавфни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этишдан иборат. Аслида, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш нафақат ойлик, балки доимий бурчимиздир.***

Қашқадарё вилоятида бу борада олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 2010 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида содир бўлган ёнғинлар сони ўтган йилдагига қараганда 12 тага камайди.

«Ўзбекэнерго» ДАК, «Талимаржон ИЭС» УК, қозон турбина цехида ушбу ойликка тайёргарлик олдиндан бошланиб, қишки мавсумга ҳозирлик ишлари бажариб бўлинди. Бундан ташқари, цехимизда оператив ходимлар билан воситалардан фойдаланиш ва ёнғинга қарши ўқув машғулотларнинг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Энергетика соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг иш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёш кадрларни тажрибали ходимларга бириктириб, уларда кўникмалар ҳосил қилиш ва ишлаб чиқаришда қўллай билишни тўлиқ таъминлаш асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқилган дастурлар асосида ойликнинг биринчи ўн кунлиги давомида цехдаги муҳандис-техник ва оператив ходимлар томонидан бир қанча камчиликлар аниқланиб бартараф этилди. Ходимлар ўртасида ойликда қатнашиш фаоллиги юзасидан мусобақа ташкил қилинганлиги ҳам катта самара бермоқда.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бўйича ва доимий қилинаётган ишлар юзасидан станция раҳбарияти ва ёнғин хавфсизлиги нозирлари томонидан назорат ўрнатилган. Қувонарлиси, станциямизда энергоблок ишга тушгандан буён ёнғин содир бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Муҳими, қозон турбина цехи ишчи-ходимлари кўрик давомидаги фаоллиги билан барчага ўрнак бўлмоқда.

**Шодибек УМРЗОҚОВ,**
**«Талимаржон ИЭС» УК қозон турбина цехи бошлиғи,**
**У.НАЗАРОВ,**
**9-ҲЁХҚ инспектори, капитан**

## Огоҳ бўлайлик

**Мустақиллик қўлга киритилгач, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизмати ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва миллий анъаналаримизга мос равишда қайта ташкил қилинди. Ёнғин хавфсизлиги идоралари эса замонавий техника воситалари билан таъминланди.**

Ёнғиннинг олдини олишда профилактика чораларининг ўрни беқиёс. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида пойтахтимизда 1428 та ёнғин содир бўлган. Улар оқибатида кўрилган моддий зарар эса 65 256 326 сўмни ташкил этади. Ачинарлиси, мазкур бахтсиз ҳодисалар натижасида 26 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди, 33 нафар инсон турли даражада тан жароҳати олди.

Бу каби рақамлар янада кўпроқ изланиш, жойлардаги ёнғин офатини камайтириш, рўй беришининг олдини олиш учун тинмай ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ёнғинлар тегишли талабларга амал қилмаслик натижасида содир бўлмоқда. Шу боис фуқароларимиздан қуйидагиларга қатъий риоя этишни сўраймиз:

— ёш болаларнинг гугурт ўйнашига йўл қўйманг;

— носоз бўлган электр асбоб-анжомларидан фойдаланманг;

— уй, чордоқ ва ертўлаларда тез алангаланувчи (бензин, керосин ва ҳ.к.) суюқликларни сақламанг;

— маст ҳолда, ётоқда сигарет чекманг;

— уйингиз атрофида тўпланиб қолган хазон ва ўтларни ёқиб юборманг;

— газ ўчоғидан ювилган кийимларни қуритиш мақсадида фойдаланманг.

Мабодо, хонага кирганда газ ҳидини сезсангиз, дарҳол эшик ва деразаларни очиб, уйни шамоллатинг ва телефон орқали «04»га қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтиринг.

Ёнғин хавфини сезсангиз, «01» рақамига қўнғироқ қилиб, ҳодиса рўй берган жойнинг аниқ манзилини айтинг.

**Муҳаммаджон МАНСУРОВ,**
**12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 26-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи, капитан**



## «Инсонга наф келтириш – олий бахт» танловига



# Ҳаловат билмас кўнгил

Касабақўм раиси Холмўмин Абдураҳимов ва катта ҳамшира Нурсулув Болғабоева Норой момонинг хонадонига етиб келишганида, пешиндан ошган эди. Дарвозадан кираверишда ток новдаларининг қирқилиб, тартибга солиб қўйилгани, ҳовли саҳнининг супурибсидирилгани кишининг баҳри-дилини очади.

— Хуш кўрдик, келингизлар, — деди момо фаолларни ўтқизишга жой тополмай. — Ҳозиргина мактаб ўқувчиларини кузатиб қўйган эдим. Улар вақти-вақти билан уй юмушларига қарашиб туришади.

— Сизга арзимас совға олиб келган эдик, — деди касабақўм қисқа салом-аликдан сўнг. — Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Бир оғиз ширин сўз, мехрмурувват хонадон соҳибасининг кўнглини кўтариб юборди. У кўп йиллар туман тиббиёт бирлашмасида ҳамширалик вазифасида ишлаб обрў-эътибор қозонган.

Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси жамоа аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб боришга эътибор қаратмоқда. Бир неча ой аввал уч-тўрт нафар касаба аъзосидан моддий ёрдам сўраб ариза тушган эди. Касабақўм раиси жамоадаги ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи ҳамда моддий шароитидан хабардорлиги боис шифокор Ҳ.Норхўжаев, ҳамшира З.Ҳусанова ва «Тез ёрдам» ҳайдовчиси Ш.Маматовнинг уй-жойини таъмирлаш, тўй-ҳашам ва маъракаларини ўтказиш учун моддий ёрдам ажратди.

Ҳозир туман тиббиёт бирлашмасида 50 нафар шифокор, 214 нафар ҳамшира, санитар ва техник ходим халқ саломатлиги йўлида хизмат қиляпти. Жамоада ўзбек, рус, қозоқ, тожик, корейс каби ўн бешдан зиёд миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил ва ҳамжиҳат. Касаба уюшма қўмитасида «Боғбон» номли ҚВП мудири Шерали Худойбердиев, врач-педиатр Саъдулла Ҳимматов, катта ҳамшира Нурсулув Болғабоева, терапевт Санжар Маҳмудов каби ғайратли ва уддабурон 7 нафар аъзо бўлиб, ҳар бири вазифасига сидқидилдан ёндашади.

Х.Абдураҳимов юқумли касалликлар бўйича шифокор. У узлуксиз ўн йил Зафаробод туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасига етакчилик қилиб, жамоа ишончини оқлаганди. Мана икки йилдирки, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмасига раислик қилиб келмоқда. Фаолияти давомида бирлашма бўлимларида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Хотин-қизлар ўртасида мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиб бориш, айниқса, спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар уюштириляпти. Турнир иштирокчилари сони ортиб, томошабинлар ҳам гавжумлашиб борди. Бу каби тадбирлар кўнгилочар машғулотларгина бўлиб қолмай, оммавийлашиб бормоқда. Жорий йилда бирлашмада замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт комплексининг фойдаланишга топширилиши ва касаба уюшма ташаббуси билан 1 млн. 650 минг сўмлик спорт анжомлари келтирилиши барчани қувонтирди.

Бугунги кунда тиббиёт соҳаси ривожини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этолмаймиз. Жамоадаги 60 фоиз хотин-қизларнинг меҳнат шароити мунтазам ўрганилиб, уларга имтиёз бериш, меҳнат таътили ва бўш вақтини кўнгилли ўтказиш доимий назоратда. Сўнгги тўққиз ой ичида уларнинг 45 нафарига даволаниш учун санаторийларга йўлланма берилди, 25 нафари Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Кам таъминланган 20 та оила фарзанди «Мирзачўл» ёзги дам олиш оромгоҳида бепул соғломлаштирилди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, тиббий маданият ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган. Туман аҳолиси ўртасида «Саломатлик куни» белгиланиб, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича 100 га яқин давра суҳбати, 130 дан ортиқ учрашув ва мулоқот ўтказилди. Телекўрсатувлар ташкил этилди. Бунда, айниқса, ҚВП мудиралари — II даражали «Соғлом авлод» орденини нишондори Муқаддас Тўрақулова ва «Шуҳрат» медали нишондори Соҳиба Юнусова фаоллик кўрсатишди.

Баркамол авлод йилида ёшларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан етуклигини таъминлаш ва юксалтириш бўйича ҳам тилга олса арзигулик ишлар амалга ошириляпти. Янги кутубхона барпо этилиб, китоб фонди 2,5 мингтага кўпайтирилди. Кўпдан қаровсиз ётган клуб биноси таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Ахборот-ресурс маркази ва компютер хоналари доимо гавжум. Шунингдек, турли учрашув, кеча ва байрам тадбирларининг ўтказилиши одат тусига айланди. «Ёшлар — соғлом турмуш тарзини танлайди», «Кўркам либослар — кўркимиз», «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» кабилар шулар жумласидандир.

Ўзига хос самимият ва бағрикенгликни акс эттирувчи байрамларимиз кўп. Муҳим кунлар ва шонли саналар муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар тантанавор маросимларимизга мос тушиб, янада кўрк бағишламоқда. Китоб ярмаркалари ўтказилиб, тиббиётга оид янги нашрлар ташкил этилаётгани, унда касабақўмнинг китобхонларга кўрсатаётган ёрдами қувонарли ҳолдир. Энг кўп китоб ўқиган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилмоқда. Ҳамширалардан Дилдора Облақулова ва Сайёра Бердиёрова туманда ўтказилган кўрик-танловда фахрли ўринларни эгаллашди. Шу йил 12 май - ҳамширалар куни муносабати билан тиббиёт бирлашмаси ҳамда даволаш профилактика муассасалари саломатлик посбонларининг «Ҳамшира — 2010» кўрик-танловида Эътибор Рустамова вилоятда ғолиб бўлди. Улар касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Умумхалқ ҳашарлари қизғин тус олдирилиб, уларга барча сафарбар этиляпти. Ҳозирда «Ўзбекистон», «Буюк Ипак йўли» ҚВПлари ва тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими теварак-атроф озодалигини таъминлаш ва даволаш хоналарини таъмирлашда жамоатчилик кучидан фойдаланадилар. Йўлаклар чеккасида гулзорлар барпо этилди. Биргина шу йил эрта баҳорда ўтқазилган 12 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари кўкка бўй чўзиб, боғ-роғга айланди. 6 километрлик тротуарга шағал ётқизилиб, асфалтланди.

Туман тиббиёт бирлашма касаба уюшмаси раиси Холмўмин Абдураҳимов ҳеч вақт бир жойда хотиржам ўтира олмайди. У одатдагидек навбатдаги иш кунини якунлар экан, эртанги режаларини тузади. Кечаги кўрсаткичлар бугунгиси билан солиштирилиб, ўсиш кўлами аниқланади. Режа иш бериб муваффақиятлар қўлга киритилганида, ҳаяжонини яширмайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Буни унинг юз-кўзларидаги қониқиш ва қувончдан ҳам билса бўлади.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**



## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

***Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида соғлом авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Организм тўқималарининг тузилиши ва ривожланиши ҳақида гап кетганда, энг аввало, гистология фани эсга келади. Ўзбекистонда бу фаннинг ривожланиши, тиббиётнинг шу соҳаси тараққиётида машҳур морфолог-гистолог олим, академик Комилжон Зуфаровнинг ҳиссаси жуда катта бўлди.***

# Эзгу мақсад йўлида

Олим 1960 йили ТошДавТИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) гистология кафедрасига мудир этиб сайланади. 1966 йилда кафедра қошида Муаммоли клиник-экспериментал биофизик илмий текшириш лабораториясини ташкил этади. Шу йилдан бошлаб МКЭБЛ ва кафедра жамоаси «Ҳазм аъзолари физиологияси ва патологияси» мавзуси доирасида изланиш бошлайди. Тузилма ва аъзоларда касаллик ёки жарроҳлик муолажасидан сўнг кечадиган адаптатив-компенсатор жараёнлар олим раҳбарлигида синчиклаб ўрганилади. Комилжон Зуфаров ва шогирдлари ажратув, эндокрин, ҳазм аъзоларида олиб борган кузатувлари натижасида филтрация, секреция, сўрилиш жараёнларининг ҳужайравий ва субҳужайравий асосларини тўла кўрсатиб беришади. Ушбу гуруҳ кашф этган, чақалоқларда она сутининг буйракда парчаланиши ҳақидаги янгилик бутунжаҳон тиббиёт фанида катта ютуқ саналади.

Гуруҳ сафи бир неча хорижий олимлар ҳисобига кенгайиб, дунёга «Зуфаров мактаби» номи билан танилган. Ноёб китоблари, кашфиётлари ва шогирдлари билан ўзидан ўчмас из қолдирган олимни минглаб тиббиёт ходимлари ўзига устоз билади.

Улардан бири Тошкент тиббиёт академияси гистология кафедраси ассистенти Сурайё Эшонжоновадир. Изланувчанлиги, тиришқоқлиги сабаб талабалик даврида академия илмий кенгаши стипендиати бўлган.

С.Эшонжонова иш билан бир вақтда тиббиёт фанлари доктори, профессор Қ.Тўхтаев раҳбарлигида «Гелиотрин ипатит билан касалланган оналардан туғилган болаларнинг иммун-эрмол аъзоларида бўладиган ўзгаришлар» мавзусида номзодлик иши устида изланмоқда. Маълумки, янги туғилган чақалоқларнинг иммун-ҳимоя аъзолари тўлиқ шаклланмаган бўлади. Вақт ўтиши билан бу аъзолар ривожланади. Туғиш ёшидаги аёлларнинг турли хил экстрагенитал касалликлари боланинг она қорнида тўғри ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин.

— Мақсадим — иммун аъзоларнинг: тимус, талоқ, лимфа тугунлари морфологик тузилишларидаги ўзгаришларни ўрганиб, юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишдир, — дейди у. — Бунинг учун сут эмизувчилар оиласига мансуб оқ сичқонлар текшириш учун олиниб, 6 ҳафта давомида гелиотрин билан инекция қилинди. Маълум вақт ўтгач, уларда токсик гепатит вужудга келди. Улардан туғилган болалар 1, 3, 7, 14, 21 ва 30 кунда текшириб турилди ва уларнинг лимфа тугуни, талоқ ҳамда пейер пилакчаларида ўзгариш кузатилди.

— Сурайё Россия, Украина каби давлатлардаги ҳамкасблари билан фикр алмашиб туради,— дейди кафедра мудири, профессор Ф.Азизова. — Бир қатор нуфузли хорижий нашрларда илмий иши юзасидан мақолалари ҳам чоп этилган. Ёш бўлишига қарамай, талабалар билимини оширишга бутун кучини сарф этмоқда.

Шундай қилиб, она жигарининг сурункали жароҳатланиши, ундан туғилган боланинг иммун-ҳимоя аъзолари ривожланишининг орқада қолиш сабаблари ўрганилди. Бу илмий янгилик касаллик кўрсаткичларини камайтириш, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғилажак авлоднинг соғлом дунёга келишида муҳим ўрин тутади.

**Дилмурод ЭШАЛИЕВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси**
**Даволаш факултети талабаси**

Ishonch 2010-yil 25-noyabr
№ 139 (2864)



*Бугунги кунда оммалашган воситалар рўйхати тузилса, уяли телефон биринчи ўринни забт этиши шубҳасиз. Телефон ва ундан тарқаладиган радиация зарари ҳақида минг марта гапирилаётган бўлса ҳам, боғча боладан тортиб, нуронийларгача унга «боғланиб» қолишмоқда. Бугунги мобил телефонлар тараққиётнинг бирламчи далилига айланиб улгурди. Деярли ҳар куни янги моделлар тақдимотига дуч келамиз: асли вазифаси уяли алоқа тизими бўйлаб овоз ва бошқа ахборот узатиш ҳамда қабул қилиш бўлган электрон қурилма яна янги-янги вазифаларни «зиммасига олмоқда». Интернет, турли ўйинлар, инфрақизил ва bluetooth портлар, видео-фотокамера, MP3 плейер, радио ва ҳоказо таъминот билан қуролланган.*

# БИР яхшининг ёмони

Сўнгги пайтларда чўнтак телефони бойлик ва ҳашам белгиси эмас, кундалик иш қуролига айланди. Чўнтак телефонидан деярли ҳамма фойдаланаяпти ва ундан таралаётган овозни исталган ерда эшитиш мумкин. Афсусланарлиси, улар театр, кинозал, конференцияларда ҳам жиринглайверади (бу, албатта, телефон соҳибининг маданиятсизлигидан). Телефонларнинг бунчалик кўп тарқалиши қурилманинг ўзи ҳамда сўзлашув вақтининг сезиларли арзонлашиб бораётганлигидандир. Мобил телефонидан фойдаланувчилар сафи кундан-кунга кўпаймоқда ва улар бугун телефонда икки йил аввалгига нисбатан анча арзон нархда, узоқ гаплашиш имкониятига эга бўлишди. Бироқ арзонгина, қулайгина ва яна қанчадан-қанча қулайликларни ўзида жамлаган воситанинг хавфсизлигига эътибор беряпмизмикан, деган савол юзага қалқиб чиқади. Ахир, доно халқимиз минг йиллар олдин топиб айтган бир ҳақиқат бор: Арзон беиллат бўлмас!

### ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАХДИД

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мобил телефондан фойдаланиш чоғида инсон мияси бир градусгача қизиши кузатилган. Радиочастотали сигналларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида маълум тушунчага эгамиз. Шунингдек, бугун кўпчилик мобил телефондан фойдалана туриб бош оғриғи, хотиранинг заифлашиши, кутилмаган чарчоқ аломатларидан тез-тез шикоят қилишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Аслида ҳам шундайми? Бугун ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган мобил телефонлар ҳақиқатан ҳам саломатлигимизга хавф соладими?

Европалик олимларнинг тадқиқотларига таянадиган бўлсак, уч фоиз одамлар «гиперэлектрсезувчанлик»дан азият чекади, яъни уларнинг организми электромагнит ҳудудга нисбатан таъсирчан бўлиб қолади.

Мобил телефондан фойдаланиш оқибатида юзага келадиган касалликлар ичида болалар лейкемияси (оққон касаллиги, лейкознинг бир кўриниши), кўз катарактаси, бош мия шиши, юрак қон-томир касалликлари, нерв системаси фаолиятидаги бузилишлар алоҳида ўрин тутади.

Бугун ер юзида 2 млрд. дан ортиқ киши уяли алоқа хизматидан фойдаланади. Уларнинг 500 миллиони GSM стандартли телефон фойдаланувчиларидир. Олимлар рақамли телефонларга қараганда аналогли телефонларнинг инсон саломатлигига таъсири кўпроқ эканлигини таъкидлашаяпти. Шу боис Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти симсиз алоқа тизимидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишни тавсия этмоқда.

Аммо бугун мобил телефоннинг нафақат саломатлигимизга, балки фарзандларимизнинг маънавий оламига таҳдиди ҳақидаги фикрлар ҳам юзага келмоқда.

— Қизим 4-синфда ўқийди. Туғилган кунимга телефон олиб беринг, деб қўймаяпти. — дейди пойтахтлик Бахтиёр Собиржонов. — Ҳозирча турмуш ўртоғим билан бир қарорга келмадик. Гап шундаки, қизимиз мусиқа мактабида ҳам ўқийди. Мактаб уйимиздан икки бекат нарида. Биз қизимиз билан доим алоқада бўлишни хоҳлаймиз. Менимча, шу жиҳатдан мобил телефон жуда қулай. Иккинчи томондан, мобил телефон боланинг ўқишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Мобил телефондан фақат алоқа воситаси сифатида фойдаланиляптими? Барча хавотирларнинг асоси шу саволга бориб тақалади. Бугун энг сўнгги русумли мобил телефонларидан бир-бирларига беҳаёлик, зўравонлик акс этган турли видеотасвирларни ўтказаётган ёшлар тарбиясига беэътибор бўлсак, эртага унинг тўлови ўзимизга азоб келтирмасмикан?

— Фикримизча, энг аввало, уяли алоқа воситасидан фойдаланиш учун минимал ёшни белгилаб олишимиз зарур. Бу 16 ёш, деб белгиланиши лозим. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, боланинг мияси 16 ёшгача фаол ривожланади. Бош мия ривожланиши ва шаклланиши жараёни чўзилишини ҳисобга олиб, иложи борича 16 ёшдан кейин ҳам ишлатмаслик ёки камроқ ишлатиш керак, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Гули Шайхова. — Одам танасида шундай тўқималар борки, улар қон билан кам таъминланади. Чунки томирга эга эмас. Масалан, кўзнинг гавҳар тўқимаси, телефон таъсирида катаракта (гавҳарнинг хиралашиши) ривожланишига олиб келиши мумкин. Тўқималар ичида калла суяги электромагнит майдони нурларини кўп ютади. Болаларда эса калла суяги юпқа, мия массаси кам. Ана шунинг натижасида болалар катталарга нисбатан кўпроқ зарар кўришлари мумкин.



### ҚОНУН КАФОЛАТЛАЙДИ

Мобил қурилмалари орқали нафақат қўнғироқ қилиш ёки СМС ёзиш, балки қаерда бўлишингиздан қатъи назар, ҳатто машина ҳайдаётган бўлсангиз ҳам интернетга чиқиш, ижтимоий тармоқдаги ўз статусингизни ўзгартириш имконияти мавжуд.

АҚШ йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий маъмуриятининг маълумотларига қараганда, 2009 йилда Қўшма штатлар йўлларида 33.808 киши ҳалок бўлган. Автоҳалокатларнинг 16 фоизи ҳайдовчининг мобил телефонига чалғигани оқибатида юз берган. 5474 ҳолатнинг 995 тасида ҳайдовчининг ўзи ҳалок бўлган.

Ҳалок бўлганларнинг 24 фоизи 30-39 ёшдагилардир. Қурбон бўлганларнинг 21 фоизи 20-29 ёшда бўлган, 20 фоизи эса 40-59 ёшда.

Аксарият давлатларда рулда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш анча илгари тақиқланган. Бу ҳолатлар қоидабузарлик ҳисобланиб, турли мамлакатларда турлича жарималар ундирилади.

Жумладан, Францияда рул бошқараётган ҳайдовчига уяли телефондан фойдаланиш 50-70 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар келтиради. Америкада эса бу миқдор 150, Польшада 1200 АҚШ долларигача белгиланган. Португалияда эса транспорт воситасида телефондан фойдаланилса, 25 АҚШ доллари миқдорида жарима тўланади. Германия ва Россияда ҳам бундай жарима миқдори каттагина.

Тўғри, ҳозирги кунда уяли алоқа воситасининг айнан ҳайдовчилар учун қулай бўлган русумлари мавжуд. Ҳайдовчи сўзлашиб туриб, жисмонан автомобилни бемалол бошқариши мумкин. Лекин унинг руҳияти ўзгариб, машинани бошқариш қобилияти анча сусаяди. Олимларнинг фикрича, мазкур ҳолатда автомобил бошқаришда йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш эҳтимоли 6 баробарга ортар экан.

Юртимизда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилган. Транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчиларнинг мобил алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан автоҳалокатлар юз бериши эҳтимолини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрдаги 241-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Тошкент шаҳар ЙҲХ бошқармаси берган маълумотга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчилар томонидан мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш юзасидан 35.700 тадан ортиқ қонунбузарлик аниқланган. Қизиқ ҳолат, саломатлик, аввало, ҳайдовчига, унинг оиласига керак. Бироқ аксарият ҳайдовчилар бу бебаҳо неъмат ДАН ходими мулкидек, уларни кўргандагина қулоғидаги телефонни яшириш учун жой қидиришади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-1-моддасида «Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади» дейилади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Шу ўринда бир танишимнинг иқрори эсимга келди:

— Телефонда икки оғиз гапирдимми-йўқми, ДАН ходими таёқчасини кўтариб, тўхташга ишора қилди. Қоидабузарлигим чўнтакка жабр келтирди. Болам қатори йигитнинг қилаётган ишимнинг оқибати тўғрисидаги гапи қаттиқ таъсир қилди. Тўғри, бу пул давлат бюджетига тушиб, нафақа тарзида ўзимга, ёхуд ойлик, стипендия бўлиб болаларимга қайтади. Аммо энг катта фойдам — соғлиғимнинг қадрига етишимга туртки бўлди.

Бу хулоса машина рулига ўтираётган ҳар бир киши онгига сингиб кетса, қанча-қанча ҳалокатларнинг олди олинган бўлармиди?

### ТЕЛЕФОНДА(Н) ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Шифокорга бош оғриғи, хотиранинг заифлашиши, кутилмаган чарчоқ аломатларидан шикоят қилсангиз, биринчи галда «мобил телефон ишлатасизми?» деган саволни эшитасиз. Бу билан у ҳар доим алоқада бўлиш имкониятингизни чекламоқчи эмас, балки соғлиқ билан боғлиқ масалаларда эҳтиёткор бўлишга чорламоқда. Жисмоний ва руҳий муаммоларга дуч келаётган эккансиз, кўнглингиздан бир саволни ўтказинг: Бунга доимий ҳамроҳим — телефон сабабчи эмасми? Ахир айтишади-ку: бир яхшининг бир ёмони бор!

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**журналист**

# Талаба... Келин... Она

«Авесто»да қизлар тарбиясига эътибор бериш лозимлиги алоҳида таъкидланган: «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар, Зероки, улар ота-она хонадонида бўлган вақтларида ота рўзғорини тартибга солиб, зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси, таълими билан, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади».

Бу сўзлар замиридаги маъноларни бугун юртдошларимиз яхши англаб етишмоқда. Бир вақтлар «Қиз бола ўқиб, шаҳар олиб берармиди» дейдиганлар бугун қизларининг қўлидан етаклаб, олий ўқув юртларига олиб боришмоқда.

Илм олишнинг игна билан қудуқ қазишга тенглаштирилганлиги бежиз эмас. Унинг ўзига яраша машаққатлари, инсон сабр-тоқати ва матонатини синайдиган томонлари кўп. Ҳамма ҳам умрини илмга бағишлай олмайди. Қийинчиликлардан қўрқмай, танлаган йўлидан оғишмай, ҳаёт йўлларини илм ёғдулари билан нурафшон этиб, тил, касб-ҳунар ўрганаётган ёшларимизга чин дилдан ҳавас қилсак арзийди. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам фақат ўқишда эмас, балки севимли ёр, одобли келин, меҳрибон она сифатида ҳам кўпчиликка ибрат бўладиган ёшларимиздан.

## Йўқлама

*— Холбўтаева Холниса борми?*

*— Домлажон, яқинда тўйи бўлган. Ҳали кичкина чилласиям чиққани йўқ. Ҳадемай, келиб қолади.*

*— Эшбўтаева Гулниса-чи...*

*— У ҳам келин, яқинда фарзандли бўлганди, боласи бироз шамоллаб қопти, шунга...*

Қийин, қийин кимга қийин, талаба-келинга қийин. Бир кун ўқишга келса, икки кун келолмайди. Ахир, ўқишни, оилани, бунинг устига бола-чақани эплашнинг ўзи бўладими? Яхшиям, домлаларимиз инсофли. Бўлмаса...

— Ғаффорова Нигора...

— Шу ердаман, домлажон!

Нигора Ғаффорова эндигина 20 ёшга тўлади. Шунга қарамай, кўп ютуқларга эришган. 2008 йили талабалик, 2009 йили келинлик, 2010 йилда эса оналик бахтига муяссар бўлди. Бундай олиб қараганда, энди унга аввалгидан бироз қийин. Қизиқ, у ҳаммасига қандай улгураяпти?

— Ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, — дейди Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетининг 4-босқич талабаси Нигора Ғаффорова. — Талабанинг ярим соат вақти бўлса ҳам ўқиса, ўзига фойда. Тўғри, бошида талабалик даврида турмушга чиқаётганим учун бироз қўрққан, ҳатто, «битта келин бўлсам, ўқишга бораманми, уй ишларини қиламанми, қайси бирига улгураман, бу ёқда япон тилим ҳам ўлда-жўлда қолиб кетса керак», деб қўрққандим.

**— Энди-чи?**

— Ҳозир у қўрқувдан асар ҳам қолмади. Турмуш ўртоғим ҳам яқинда Тошкент кимё технология институтини битирди. Шунинг учунми, мени яхши тушунади. «Турмуш ўртоғим фақат бешга ўқиши керак», дейдилар. Бунинг устига қайнота-қайнонам ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади. Қайнонам «Қизим, япон тилини яхши ўрганинг», дейди.

Фарзандли бўлгач, академик таътил олсаммикан, деганимда,



қайнонам унамасдан, боламга қараш учун ишдан бўшадилар. Шундан кейин мақсадларим янада мустаҳкамлашди, оиламдагиларнинг далдаси ғайратимни янада оширди.

— Келинлик давримни эсласам, ҳаётим кўз олдимдан худди кино тасмасидай бирма-бир ўта бошлайди ва Нигорага ҳозир кўпроқ кўмак кераклигини англайман, — дейди талаба-келиннинг қайнонаси Дилором Қўчқорова. — Кечагидек ёдимда, 1984 йили шу хонадонга келин бўлиб тушганимда, désинститутнинг 3-курсида ўқирдим. 1986 йили ўғлим Абдуғофир туғилди. 20 кунлик чақалоқни овсиним Шоира опа, ҳамда қайнисингилларимга ташлаб, ўқишга тушиб кетдим. Мени уч йил оғринмасдан ўқитишган қайнота-қайнонамдан бир умр миннатдорман. Келин бўлганимга ҳам 26 йил бўлиб қолибди. Учтепа туманидаги 236-мактабда 28 йил ишладим.

Турмуш ўртоғим бола билан қийналаётганимни кўриб, «бошқа ўқимайсан», деганида, раҳматли қайнотам, «ўқийди, ўзи биттагина ўқимишли келиним бор», деганлар. Уларнинг сўзига кириб, ҳаётда кам бўлмадим.

Ўзим ёлғиз қиз бўлганим учунми, доим ёлғиз қизни келин қиламан, дердим. Назаримда, улар бошқача меҳрибон бўлишади.

— Келинликнинг оғир тарафи...

— Бошқа муҳитга кўникиш бироз қийинроқ,— суҳбатга қўшилади Нигора. — Фарзандли бўлгунимча бирон марта дарс қолдирмаганман. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас экан. Шунга қарамай, ҳамма ишни, дарсларни ўз вақтида қилишга ҳаракат қиламан. Қайнотам: «Курсдошларингиздан орқада қолманг, ўқишга иложи борича кўпроқ вақт ажратинг», дейди. Уй ишлари билан ўралашиб дарсга кечикадиган бўлсам, жаҳллари чиқади. 70 ёшли момоқайнонам Шарофат буви: «Менга ҳам япон тилини ўргатасизми? Японияга олиб борасизми?», деб ҳар хил сўзларнинг японча қандай айтилишини қизиқиб сўрайди. Бундан хурсанд бўламан. Уларнинг олдида уялиб қолмаслик учун ҳам япон тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилаяпман.

— 1937 йилда туғилганман. Ўн саккиз ёшимда Шафтолизор маҳалласига келин бўлиб тушдим, — дейди ҳозирда 4 ўғил, 2 қиз, 21 невара, 10 нафар аварали пири бадавлат онахон. — 35 йилдан бери шу ерда яшаймиз. Яратганга шукр, ҳамма фарзандларимни ўқитиб, олий маълумотли қилдим.

Турмуш ўртоғим турли ўқув даргоҳларида 16 йил ўқиди. Мен 6 нафар фарзандни тарбиялаб, оила тебратиб ўтирдим. 30 йил чеварчилик қилиб нафақага чиқдим.

Тўрт ўғлимга тўрт келин туширган бўлсам, бирон марта уларнинг бирига қаттиқ гапирганини эшитмаганман. Албатта, бунинг учун қайнона оғир бўлиши, келиннинг айбини юзига солмаслиги, ҳар бир сўзни ҳаё пардасига ўраб гапириши керак.



## Бола эркалатишга уялардим

— Ёш бўлсам, боламни қандай эркалайман деб, узоқ ўйлардим, — дейди Нигорахон. — Қизим Ибодатбону туғилиши билан оналик бахтининг қанчалар қутлуғ эканлигини тушуниб етдим. Ўқувчилик давримда она ҳақида иншо ёзсам, китобдан кўчирардим. Энди эса... Болангиз кулса, куларкансиз, йиғласа, йиғларкансиз. Онанинг кўнгли болада, боланики далада деган нақлнинг маъносини чаққандекман. Алла айтишга уяламан...

**— Нега?!**

— Алла айтолмаскан, деб ўйламанг. Фақат турмуш ўртоғимнинг олдида айтишга уяламан. Қайнонам: «Болани туғилмасидан олдин тарбиялаш керак», дерди. Шунинг учун ҳомиладорлик давримда ўзбекча, японча китобларни кўп ўқидим. Болалигимда амалга ошмаган бир орзуим бор эди. Ёшим ўндан ошгани учун мени пианино гуруҳига олишмаганди. Энди шу орзуимни қизим амалга оширишини истайман. Уни мусиқа мактабида ҳамда тилларни ўргатадиган билим юртларида ўқитишни ният қилиб қўйдим. Олти ойлик қизимга: «Ақлли, эс-ҳушли, одобли қиз бўлгин» дея насиҳат қиламиз. Авваллари, болалар ҳақидаги китобларга эътибор бермасдим. Ҳозир эса фақат болалар тарбияси билан боғлиқ китобларни, газеталарда чоп этилган мақолаларни мутолаа қиладиган бўлдим. У гапимизга тушунади. Ҳаттоки, дадасидан ҳайиқади. «Йиғламагин», дея ёлғондан дўқ қилса, жим бўлиб қолади. Она бўлгач, асосий эътиборни болага қаратаркансиз.

— Бундан турмуш ўртоғингиз хафа бўлмайдими?

— Аксинча, улар ҳам менга кўмаклашади.

## Касбим ҳақида...

Журналистикани инсонларга ёрдам берадиган соҳа деб ўйлайман.

Ўқувчилик давримда она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз Маҳфуза Абдураҳмонова ифодали ўқишни, иншо ёзишни ўргатган. Мактабимизда «Ёш журналистлар» тўгараги бўларди. 5-синфдан шу тўгаракка қатнаша бошлаганман. Эртаклар ёзардик. Тошкент Молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейда ўқиб юрган пайтларим «Тонг юлдузи» газетасида мақолаларим чиққан. Газетада ўз исми-шарифимни кўриб, шунақанги хурсанд бўлганимдан, албатта, журналист бўламан деб мақсад қилганман.

Авваллари кўпроқ хусусий радиоларни эшитардим. Радиодастурлар фақат кўнгилочар бўлиши керак, деб ўйлардим. Бир куни «Ўзбекистон» радиосида ёшлар тарбиясига оид эшиттиришни тинглаб қолганман ва ёшларни қизиқтирган мавзуларни кўтарса бўларкан-ку, деб ўйлаганман.

2007-2008 ўқув йилида Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетига шартнома асосида ўқишга кирдим. Япон тили ва маданиятига қизиқишим кучли бўлганлиги сабаб, шу тилни танладим. Бошида бу тилдаги иероглифларни кўриб ўргана олмасам керак, деб қўрқардим. Лекин ўз олдимга қатъий мақсад қўйдим. Иккинчи ва учинчи курслигимда факултетлараро бўлиб ўтган «Нотиқлик санъати» беллашувида учинчи ўринни эгалладим.

**МУАЛЛИФДАН:**

***Бир қизнинг бахти тўкис бўлса, шунчалик бўлар. Албатта, бахтга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тиришиб-тирмашиш, астойдил ҳаракат қилиш керак. Бу борада Нигорага ҳавас қилса, арзийди. Бошқа келинлар ҳам ундан ўрнак олса, кам бўлишмайди, назаримда.***

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**

**Муаллиф олган суратлар**

# Ҳасад

Бурхон аканинг суяги меҳнатда қотган. Эсини танибдики, иш билан тирик. Бир куни чойхонада гапдан гап чиқиб, Шариф мўйлов улфатларга гап қотди.

— Бурхонбойга ҳам ҳайронман, чўнтагида ҳемири йўғу димоғидан қурт ёғилади. Нимасига кеккаяди ҳайронман...

Унинг бу гапини эшитиб, уста Қодирнинг пешонаси тиришди:

— Шу гапингиз ноўрин бўлди, полвон. Бурхон ака шу ёшга етибдики, бировнинг дилини оғритганини эслай олмаймиз. Кеккайишига келсак, табиатан шунақа, сипо.

Устанинг гапи Шариф мўйловга бироз малол келди-ю, сиртига чиқармади. Мўйловини аста силаб қўйди, одатда асабийлашганда шундай қиларди.

— Қодир ака, мен у билан девор-дармиён қўшниман. Қандайлигини, ўзини кўча-кўйда қандай тутиши-ю, уйидаги ҳангомаларини беш қўлдек биламан, — деди энсаси қотиб.

Уста Қодир Шариф мўйловга жавоб қайтармоқчи бўлди, аммо Самад карвон гапни усталик билан бошқа томонга буриб юборди.

— Полвонга ҳам ҳайронман, — деди уста Қодир Самад карвонга кўчага чиқишгач, — қачон қарасанг, Бурхонбойни чайнагани чайнаган.

— Ҳа, ҳасад ёмон, қўшни, — деди карвон оҳиста.

* * *

Аслида, воқеа бундай бўлганди. Шариф мўйловнинг ўғли маҳалладаги яхшигина ҳовлини арзон-гаровга байлашиб қўйган экан. Эгаси пулга жуда муҳтожлигидан ҳовлини сотаётган эди.

Буни эшитган Бурхон аканинг жаҳли чиқди:

— Шарифбой, инсоф ҳам керак ахир! Шунча йиллик қўшнимиз, ночорликдан ҳовлисини сотаётганини кўра-била туриб, бундай қилиш яхши эмас.

— Бурхонбой ака, сотадиган у, оладиган биз. Нега сиз бу ишга бурнингизни тиқяпсиз? — деди фиғони фалакка чиқиб.

— Шу уйнинг эгаси билан маҳаллада шунча йил бирга яшадик. Бошига иш тушганда бундай қилиш уни тунаш билан баробар-ку...

Бўлиб ўтган жанжалдан сўнг, янги харидор топилиб, ҳовли яхшигина нархга сотилиб кетди. Шундан буён мўйловнинг Бурхон акани кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Бора-бора бу ҳасадга айланди. Нима қилиб бўлсада, ғанимидан қасд олиш, уни абгор қилиб, роҳатланиш миясига ўрнашиб қолди.




Бир куни Шариф мўйлов ҳовлисидаги кенг сўрида аччиқ кўк чой ичиб ўтирарди. Шу пайт Бурхон аканинг уйидан қий-чув, идишларнинг синган овози эшитилди.

— Мана сенга сиполигу, мана сенга ўқимишлилик, — деб юборди Шарифбой.— Ҳозир бориб, уста Қодирни бошлаб келаман. Кўриб қўйсин, Бурхонбойнинг хонадонидаги ҳангомани. Қачон қарама, у ҳақда гап кетса, оғзидан бол томади.

Шариф мўйлов ўрнидан тура солиб, оёғига шиппагини илди ва устанинг уйи томон югурди. Дарвозасига етгач, қўнғироқни кетма-кет босди. Бир вақт ҳовлиқиб Қодир ака чиқиб қолди.

— Ҳайрият, уйда экансиз, — деди мўйлов энтикиб.

— Нима гап, ўзи тинчликми? — сўради уста.

— Тезроқ юринг, Бурхонбойникига борайлик, бутун ҳангомани ўша ерда кўрасиз, — деди мўйлов беўхшов ишшайиб.

Бир кор-ҳол бўлибди-да, деган ўйга борган уста Бурхонбойникига қараб югурди.

Ортидан эса ўпкаси тиқилиб, мўйлов чопарди. Ниҳоят, етиб келишди. Қўнғироққа ҳам қарамай, мўйлов дарвозани ура кетди. Эшикни Бурхон аканинг набираси очди.

— Бувангқаерда?

— Уйда ҳеч ким йўқ, ҳаммалари тўйга кетишди, — деди бола кўзларини пирпиратиб.

— Нега ёлғон гапирасан, тирранча? — деди-да Шариф мўйлов қўли билан болани бир чеккага суриб, ичкарига кирди.

Уларни кўриб, бир зумда қўшнилар йиғилишди.

— Ҳозиргина уйларингдан бақир-чақир овози эшитилди-ку! — деди мўйлов бўғилиб.

Дастлаб бола ҳеч нарсани тушунолмади. Бироз ўзига келгач:

— Кино кўраётувдим, шуни эшитган бўлсангиз керак, — деди.

Уста Қодирга энди ҳамма нарса аён бўлганди. Аста келиб, Шариф мўйловга гап қотди:

— Қачонгача чолни кўриб, бувам дейсиз, Шарифбой...

Йиғилганлар «гурр» этиб кулиб юборишди.

**Неъмат РАФИҚОВ**

## «Нафс итин қилсанг забун...»

*Навоийнинг абадиятга дахлдор мероси, бетакрор асарлари нафақат ўзбек, балки башариятнинг маънавий хазинасига айланган. Асарларини мутолаа қилиш асносида ҳазратнинг бетимсол закоси, узоқни кўра билишидан ҳайратга тушаман.*

*Офатлар замон ва макон чегарасини тан олмайди. Вақт ўтиши билан буларнинг шаклшамойили ўзгарса-да, мазмунмоҳияти бир хиллигича қолаверади. Бани башарни ҳалокатга, кулфату мусибатга етакловчи бало — НАФСдир. Зеро, улуғ мутафаккир бежиз:*

**Беша шерин гар забун этсанг,**
**шижоатдин эмас,**
**Нафс итин қилсанг забун**
**оламда йўқ сендин шужоъ.**

*Дарҳақиқат, ўрмондаги ваҳший шерни енгишдан кўра, ичимиздаги нафс итини бўйсундириш ҳақиқий мардлик, шижоат белгисидир. Айни пайтда терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик сингари иллатлар Одам авлодининг муросасизлиги, худбинлиги, очкўзлиги ва ҳарислиги, бир сўз билан айтганда, НАФСнинг аччиқ меваларидир.*

*Вақт ҳамма нарсадан устун. У ҳеч кимга бўйсунмайди. Давру давронлар ўтаверади. Лекин Алишер Навоийдек буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо хазиналар асрлар суронига бардош бериб, янада сайқал топиб, қиммати ошиб бораверади. Биз эса, аждодларимизнинг номи билангина фахрланиб қолмасдан, бетимсол миллатимиз хазинасидан баҳраманд бўлиб яшамоғимиз шарт.*

**Сожида АЛЛАЁРОВА,**
**Қарши маданият коллежи ўқитувчиси**

# Ширин сўз қудрати

***Мақтов ҳаммага ёқса керак. Бироқ у икки хил бўлади — самимий ва киноявий. Самимий мақтов кимнингдир эришган ютуқлари, муваффақиятини борича айтиш. Масалан, аълочи талабангизни билими, олимни диссертацияси ҳимояси, фермерни мўл ҳосил етиштиргани, умр йўлдошингиз ёки қизингиз, келинингизни пазандалиги, кимнидир ширин муомаласи ва маданияти билан сифатлаш самимий мақтовга киради.***

Киноявий мақтов ҳам баъзан яхши самара бериши мумкин. Бунга бир ҳаётий мисол.

Икки йил муқаддам «Чинобод» сиҳатгоҳида дам олаётгандим. Ҳамширалар жуда хушмуомала, ширинсўз экан. Лекин улар орасида ҳам тунд, бадқовоқларидан бир-иккитасини учратишга тўғри келди. Хонадошим билан сув муолажасини олиб бўлгач, гиёҳлардан тайёрланган қайноқ шарбат ичиш ниятида кенг хонага кирдик. Юмшоқ ўриндиқларда биз ҳам идишларимизни шарбат бераётган ҳамширага узатдик.

— Қайсидан? — сўради жеркиган оҳангда келишган жувон. Бироз қаттиқ теккан бўлса-да, индамадик. Ичимликни олиб, бориб ўтирдик. Секин ҳамширани кузатдим. Уйидан жанжаллашиб чиққанмикин? Балки боласи касалдир, ишқилиб нимадир бўлган. Ҳамроҳим:

— Нима бўлган бу аёлга? — деди. — Бизга шундай муомала қилдими, десам, ҳаммага шундай қўрслик қилаяпти.

— Ҳа, қўполроқ экан, шекилли, — деб қўя қолдим. Бу ҳолат уч кун давом этди. Тўртинчи куни, шеригимга:

— Шу жувонни ҳозир даволашга ҳаракат қиламан. Сиз жим турасиз, — дедим. Унинг «қовоғидан қор ёғиб» турарди. Қарасак, навбатда ҳеч ким йўқ. Айни муддао дедим-у, сўз қотдим:

— Жуда келишган экансиз, бу қош-кўзлар, юзингиздаги тиниқлик ва кулгичлар гўзаллигингизни янада ошириб турибди.

**«Бунчалар гўзаллик**
**айтинг, кимда бор,**
**Кимда бор бунчалик**
**латофат-ҳусн»,**

дея шеър қўшиб, мақтай бошладим. Жувоннинг юзида ҳам табассум пайдо бўлди. Буни кўриб:

— Табассум сизга шунчалар ярашар эканки, очилиб кетдингиз, синглим. Тўғрими?— деб гапларимни ҳамроҳимдан тасдиқлатиб олдим.

Ҳамшира мақтовлар оғушида қолди, шекилли:

— Раҳмат, амаки, унчалик эмас, — деди юзи қизариб, ўша ним табассумни бузмаган ҳолатда.

Ишонсангиз, ўша кундан бошлаб, ҳамшира ҳаммага ним табассум билан ширин муомала қиладиган бўлиб қолди. Бундан биз ҳам хурсанд, бошқа дам олувчилар ҳам.

Мақтовнинг кучи, гарчи у киноявий бўлса-да, тунд жувонни очиқ чеҳра, доимо ним табассум билан юрадиган аёлга айлантирди. Яхши сўз ҳамширанинг чиройини очди. Қани энди ҳамма бир-бирига меҳр кўрсатса, самимий боқса, ҳаёт қанчалар гўзал ва ёқимли бўларди.

**Норқул БЕКМИРЗАЕВ,**
**ЎзМУ доценти**

**Мамлакатимизда полиомиелит касаллигига қарши Миллий эмлаш кунларининг тўртинчи босқичи муваффақиятли якунланди. Биз мазкур хасталик, унинг келиб чиқиши ва олдини олиш борасида нималарга эътибор қаратишимиз лозимлиги ҳақида Республика давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази Ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Ҳусан САПАРОВга мурожаат қилдик:**

# Полиомиелит — оғир хасталик

## лекин олдини олса бўлади

**— Даставвал полиомиелит касаллиги ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.**

— Полиомиелит асосан болаларда учрайдиган, вирус табиатли, организмнинг умумий интоксикацияси ва марказий нерв системасининг шикастланиши натижасида мушакларнинг фалажланиши, шунингдек, ичаклар ва бурун-томоқ шиллиқ пардаларининг яллиғланиши билан кечадиган, аксарият ҳолларда ногиронликка олиб келадиган ўткир юқумли касалликдир.

«Полиомиелит» юнонча сўз бўлиб, «орқа мия кулранг моддасининг яллиғланиши» деган маънони англатади. Касалликларнинг халқаро таснифига кўра бу касаллик «ўткир полиомиелит» номини олган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, бугунги кунда ўн миллиондан ортиқ одам полиомиелитдан кейин қоладиган асоратлар (фалаж)дан азият чекмоқда.

**— Хасталик манбаи нима ва у қандай юқади?**

— Касаллик қўзғатувчисининг ягона манбаи ушбу вирус юққан бемор ёки вирус ташувчи одам ҳисобланади. Бевосита касалликнинг юқишига келсак, вирус организмга оғиз орқали ошқозон-ичак трактига тушиб, ичак ва оғиз-халқумдаги лимфа эпителиал хужайраларида кўпаяди. Кейинчалик лимфа тизими орқали қонга тушади ва вирусемия бошланади. Вирусемиянинг бошланиши касаллик аломатларининг рўёбга чиқишига тўғри келади. Вирусемия даврида қондан вирусни ажратиб олиш мумкин.

Полиомиелит ҳаво-томчи йўли билан ҳам юқиши мумкин. Касалликнинг юқиш омилларига шу касаллик вируси билан ифлосланган сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари киради.

**— Қандай клиник аломатлар кузатилади?**

— Касалликнинг кечиши унинг клиник шакллари ва даврларига бевосита боғлиқ. Яширин даври 4 кундан 40 кунгача ҳисобланиб, аксарият ҳолларда 6 кундан 21 кунгача давом этади.

Вирус юққанларнинг 90-95 фоизида клиник аломатлар кузатилмайди. 4-8 фоизида эса тана ҳароратининг бироз кўтарилиши, ангина, қусиш, қоринда оғриқ, иштаҳа йўқолиши ва умумий ҳолсизлик қайд этилади. Вирус юққанларнинг тахминан 0,5 фоизида паралитик полиомиелит рўйхатга олинади.

Полиомиелит касаллигининг инаппарант, абортив, менингиал, паралитик шакллари мавжуд.

Касалликнинг биринчи кунлариданоқ нерв системасида шикастланиш аломатлари кузатилади. Бемор ўзини ланж сезади, ҳаракатсиз бўлади, ҳаракатланганда қўллари, оёқлари, бели ва бўйнида оғриқ сезади. Бу ўртача 1-3 кундан 7 кунгача давом этади. Одатда, бу даврда беморга ЎРВИ, ўткир диарея деб нотўғри ташхислар қўйилади.

Бемор бир неча кун ўзини яхши сеза бошлагандан сўнг яна унинг тана ҳарорати кўтарилади (39-40°С), боши оғрийди, қусади, айрим беморларда эсҳуши кирди-чиқди бўлиб қолади ёки уйқучанлик қайд этилади ва касалликнинг фалаждан олдинги даври бошланади.

Беморда ошқозон-ичак ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиши кузатилади. Нерв системасининг шикастланиши натижасида бош оғриғи, менингиал синдром, мушакларда оғриқ ва бошқа аломатлар қайд этилади. Мушаклардаги оғриқ турли даражада бўлади. Бемор тўшакда оғриқларни камайтириш учун ўзига хос ҳолатда ётиб олади.

Касалликнинг фалаждан олдинги даврида беморларга полиомиелит клиник ташхисини қўйиш қийинчилик туғдирмайди. Шундан сўнг беморда паралитик (фалаж) давр бошланади.

Фалаж кузатилган мушаклардаги оғриқ ушлаганда, ҳаттоки тўшак текканда кучаяди. Фалажланган мушакларда пай ва теридаги рефлекслар сўна бошлайди, мушак тонуслари сусаяди, мушакларда атрофия ривожланади.

Бу давр аксарият беморларда 3-6 кун, баъзи беморларда эса 10-14 кун давом этади. Паралитик полиомиелитнинг асосий аломатларига парез ва фалаж киради. Бу аломатлар айрим бошқа касалликларда ҳам (полирадикулоневропатия, неврит, миелит ва б.) кузатилишини унутмаслик керак.

Паралитик даврдан сўнг беморларда реконвалесценция (соғайиш) даври бошланади. Бу даврда беморнинг аҳволи яхши бўла бошлайди, аста-секин менингиал симптомлар йўқолиб, мушакларда оғриқ камаяди.

Мушаклардаги оғриқ узоқ муддат (30-40 кунгача, баъзида 2-3 ой) сақланиши мумкин.

Беморларда тикланиш даври 1-2 ҳафта, баъзиларида 2-3 ойдан 4-6 ойгача давом этиши мумкин.

Маълум бир муддат ўтгач, касалликнинг охирги, яъни резидуал даври бошланади. Бунда беморда мушакларда қайта тикланмайдиган парез ва фалаж, суякларда деформация, умуртқа поғонасининг қийшайиши каби қолдиқ ҳолатлар кузатилади. Қўлоёқ суяклари ўсмайди, ингичкалашади, суяк тўқимаси атрофияси бошланади.

**— Полиомиелитни даволаса бўладими?**

— Полиомиелитнинг махсус даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Касалликнинг шакли ва даврларига қараб беморга этиотроп, патогенетик, симптоматик, физиотерапевтик ва аппаратуралар ёрдамида даволаш усуллари таклиф этилади.

Полиомиелит вирусига самарали таъсир кўрсатадиган этиотроп (антибиотик ва химиопрепаратлар) препаратлар йўқ. Кенг доирада таъсир қиладиган антибиотикларни иккиламчи асоратлар (пневмония, цистит ва бошқалар) кузатилганда тайинлаш мақсадга мувофиқ.

Беморга С витамини, оғриқсизлантирувчи, юракни томирга таъсир қиладиган, тинчлантирувчи ва ухлатадиган дори-дармонлар тавсия қилинади.

Полиомиелитни даволаш касалликнинг шакллари ва босқичларига боғлиқ. Беморга уқалаш (массаж), даволаш гимнастикаси, сув муолажалари (минерал сув ваннаси) тайинланади.



Бемор болалар инфекционист, невропатолог, физиотерапевт, ортопед, хирурглар томонидан текширувдан ўтказилиб, мажмуавий даволаш ишлари олиб борилиши керак.

Касалликдан зарарланган қўл ва оёқларнинг ҳаракатланиши бузилади, касалланган қўл ёки оёқ соғлом оёқ-қўлга нисбатан ўсишдан орқада қолади. Шу сабабли беморни даволашда унга массаж (уқалаш), даво бадантарбияси, оёқ ва қўллар учун махсус ортопедик аппаратлар, тана ва бўйинга корсет тақиш тавсия этилади. Полиомиелитдан касалланганлар узоқ ва тўғри даволанганда оёқ ва қўлларнинг издан чиққан функциялари тикланиши мумкин.

Бемор олти ойдан кейин мутахассис врач тавсиясига кўра, ихтисослаштирилган санаторий ва курортларда даволаниши лозим. Даволаш ишлари камида уч йил давомида олиб борилиши керак.

**— Унинг олдини олиш мумкинми?**

— Касалликнинг махсус профилактикаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда полиомиелитга қарши эмлаш ишлари санитария қоида ва меъёрлари асосида режали равишда олиб борилади.

Бундан ташқари, республикамизда эпидемик вазиятдан келиб чиққан ҳолда полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилади.

Болалар (15 ёшгача) соғлигини муҳофазалаш мақсадида 11000000 доза полиомиелитга қарши вакцина олиниб тарқатилди. Бунда режалаштирилган 9261219 нафар боладан 9170658 нафари (99%) эмланди. Мазкур жараён ЖССТ ва ЮНИСЕФ вакиллари томонидан кузатилиб, ижобий баҳоланди.

Полиомиелитга қарши вакцина безарар, эмланган болалар ўртасида ҳеч қандай ноҳуш реакциялар кузатилмайди.

Бугунги кунда оғиздан ичириладиган суюқ полиомиелит вакцинаси кенг қўлланилмоқда. Вакцинанинг бир дозасида 2 томчи препарат сақланади. Вакцина тўғридан-тўғри боланинг оғзига томизилади. Оғиз орқали ичириладиган полиомиелит вакцинаси йўриқнома асосида ишлатилади.

Ташқи муҳит, айниқса, очиқ сув ҳавзаларининг ифлосланишининг олдини олиш, санитария тозалиги ва ободонлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириш, аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, умумий овқатланиш, озиқовқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланадиган корхоналарда санитария-гигиена қоида ва талабларига риоя қилиш, шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилиш ўткир юқумли ичак касалликлари, жумладан, полиомиелит касаллигининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2002 йилда Европа минтақасига кирган 51 та мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам полиомиелитдан ҳоли ҳудуд сифатида тан олиниб, сертификат берилган.

**«Ishonch» мухбири Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди**



● XVI Осиё ўйинлари

# Гуанчжоудан хушхабарлар

**Қизғин паллага кирган XVI Осиё ўйинларида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари навбатдаги медалларни қўлга киритиб, барчамизнинг дилларимизга хушнудлик улашишда давом этмоқдалар.**





## Олтин медаллар

Эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров 55 кг. вазн тоифасида ўтказилган эркин кураш беллашувларида яманлик Башир Ал-Яманий, эронлик Ҳасан Раҳимий ва Жанубий Корея вакили Хёсуб Кимни бир хил – 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Олтин медал учун кечган баҳсда КХДР вакили Ил Кёнг Янгга қарши татамига чиққан юртдошимиз рақиби устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва олтин медал соҳибига айланди.

Истеъдодли енгил атлетикачимиз Юлия Тарасова атлетиканинг еттикураш баҳсларида барча рақибаларини ортда қолдириб, бош совринни қўлга киритди. Икки кун давом этган баҳсларда ўзбекистонлик енгил атлетикачи 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ядро улоқтириш, 200 метрга югуриш ва узунликка сакрашда энг яхши кўрсаткич билан биринчи, баландликка сакрашда иккинчи, найза улоқтиришда учинчи, 800 метрга югуришда олтинчи ўринни эгаллади. Беллашувларда жами 5783 очко жамғарган Юлия Тарасова Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

## Кумуш медаллар

Пекин олимпиадаси ва жаҳон чемпионати совриндори Антон Фокин брусда машқ бажариш машқларида иккинчи натижани кўрсатди. Осиёнинг етакчи енгил атлетикачиларидан бири Гўзал Хуббиева ҳам юз метрга югуриш беллашувларида кумуш медални қўлга киритди. Лангарчўпга таяниб баландликка сакраш баҳсларида иштирок этган Леонид Андреев 5,30 метр натижа билан шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Теннисчимиз Денис Истомин ҳал қилувчи беллашувда ҳиндистонлик Сомдев Девварманга 1:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой бериб, кумуш медал билан чекланди.

Хотин-қизларнинг яккалик беллашувларида Оқгул Омонмуродова индонезиялик Лавиниа Танантадан 6:2, 6:2, япониялик Аюми Моритадан 6:2, 2:6, 6:2, ҳиндистонлик Сония Мирзадан 6:7, 6:3, 6:4 ҳисобида устун келди. Лекин финалда мезбонлар вакиласи Шуай Пенг қаршилигини енга олмади.





## Бронза медаллар

Тўртликлар ўртасида икки километрга эшкак эшиш беллашувларида жамоамиз вакиллари – Осиё кубоги босқичларида ғолиб чиққан Сергей Тян, Ефим Кузнецов ва истеъдодли ёшлар — Ёқуб Ҳамзаев ҳамда Ботир Муродов маррага учинчи бўлиб келди.

Таэквондо WTF беллашувларида қатнашган Акмал Эргашев дастлабки икки жангда тожикистонлик Шокир Ражабовни 7:5, ҳиндистонлик Сандип Кундуни 18:14 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финал йўлланмаси учун бўлган учрашувда Жанубий Корея вакили Жунг Хеога 14:15 ҳисобида ютқазиб, Осиё ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.





Юлия Тарасова енгил атлетиканинг узунликка сакраш тури бўйича ўтказилган мусобақада астойдил ҳаракат қилди. Моҳир спортчимиз 6 метру 49 сантиметр узунликка сакраб, терма жамоамиз ҳисобига яна битта бронза медалини қўшиб қўйди. Аввалги Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган таэквондо устаси Евгения Каримова бу гал шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Батутда сакраш баҳсларида қатнашган Пекин Олимпиадаси совриндори Екатерина Хилко яккалик беллашувларида 39,50 балл билан Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди. Юнон-рум кураши бўйича 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Давид Солдадзе тўрт беллашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, бронза медални қўлга киритди.

Бокс беллашувларида ўз вазн тоифаларида рингга чиққан ҳамюртларимиз Хуршид Тожибоев ва Санжар Раҳмонов Осиё ўйинларининг бронза медаллари билан тақдирланишди.

Ўзбекистонлик истеъдодли чарм қўлқоп усталари Ўктам Раҳмонов, Элшод Расулов ҳамда Аббос Атоев ярим финал учрашувларида ғалаба қозониб, бош соврин учун кечадиган финал баҳсларига йўлланмани қўлга киритишди.

Ҳозирча, 5 олтин, 13 кумуш ва 17 бронза, жами 35 медал жамғарган ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида ўн биринчи ўринда боришмоқда.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма спорти

***Ходимлар ва улар оила аъзоларининг кенг қатламини спортга жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти вакиллигининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.***

## Ҳамжиҳатлик намойиши

Тармоқ тасарруфида 3 та спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 28 та корхонада спорт майдончалари, теннис кортлари, тренажёр заллари фаолият кўрсатмоқда. 5 мингдан ортиқ меҳнаткаш спорт секциялари ва гуруҳларида шуғулланмоқда.

Жорий йилда тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларда меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида турли байрамлар муносабати билан 30 дан ортиқ спорт мусобақалари ўтказилиб, уларда 1420 нафар тармоқ ходимлари иштирок этишди.

Ҳар йили корхоналараро уч босқичдан иборат вилоят спартакиадасини ўтказиш анъана тусини олган. Яқинда «Ўзбекгеофизика» ОАЖ спорт мажмуасида мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган вилоят корхоналараро иккинчи босқич спартакиадаси ўтказилиб, 150 та спорт ишқибози стритбол, шашка, шахмат, стол тенниси ва арқон тортиш бўйича ўз омадларини синаб кўришди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин «Максам-Чирчиқ» ОАЖ (2009 йили республика босқичида ҳам ғолиб бўлган), иккинчи ва учинчи ўрин «Ўзбеккимёмаш» ва «Ўзбеккўмир» ОАЖларига насиб этди. Совриндорларга вилоят вакиллиги томонидан тегишли диплом ва қимматбаҳо совринлар топширилди.

**З.ЎРИНБОЕВ,**
**Тошкент вилояти вакиллигининг вакил ўринбосари**

● Спартакиада

# Ғалаба муҳим

## саломатлик ундан ҳам

Спорт, аввалambор, инсон соғлиғини мустаҳкамлайди. Яна бир яхши томони, ўша жамоада соғлом муҳит қарор топишига кўмаклашади. Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг анъанавий X тармоқ спартакиадаси буни яна бир карра тасдиқлади. Мазкур тадбир «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди.

— Спартакиада 3 босқичдан иборат бўлиб, юқорилаган сари натижалар ҳам юксалиб бориши табиий, албатта, — дейди Марказий кенгаш раиси ўринбосари Валерий Любимов. — Ҳақиқатан ҳам беллашувлар муросасиз кечди. Спортчилар волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси, сузиш ҳамда оилавий мусобақа бўйича куч синашишди.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмиталари раислари кенгаши жамоасига насиб этди. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси кенгаши аъзолари 2-ўринни эгаллашди. 3-ўринга эса «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг спортчилари кўтарилишди.

Ғолибларга тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● Сарҳисоб

***Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгашида 2010 йил тўққиз ой якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

# Оммавийлик қирралари

Жорий йилда вилоятда иккита республика мусобақаси, етти марта вилоят биринчилиги, 19 марта туман, 29 марта клублараро биринчиликлар ўтказилди. Мусобақаларда 1839 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этиб, техник ва амалий спорт турларининг оммавийлиги ошаётгани кузатилди.

Қашқадарёлик спортчилар 19 маротаба республика мусобақаларида қатнашиб, 5 та олтин, учта кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

— Шуғулланувчилар сонининг ортиши мунтазам равишда спорт тадбирлари ўтказиб турилиши билан бевосита боғлиқ. Чунки спортчи натижаларини яхшилаш учун ёнидаги жамоадоши нима билан ва қандай нафас олаётганини доимо ҳис қилиб туриши керак, — деди биз билан суҳбатда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази директори Бобур Яздонов.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# 29 нафар кончи ер остида қолиб кетди

***Кеча Янги Зеландиядаги ҳалокат содир бўлган «Пайк Ривер» конида иккинчи портлаш содир бўлди. Мамлакат полицияси биринчи портлашдан кейин ер остида қолиб кетган 29 кончининг тириклигига умид йўқлигини маълум қилди.***

Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига қараганда, бу портлаш биринчисидан кучли бўлган. Шунга қарамай, ҳалокатдан кейиноқ конга қутқарувчилар гуруҳи жўнатилган.

Биринчи портлаш 19 ноябр куни юз берган эди. Бу пайтда конда 34 нафар ишчи бўлган. Ҳалокатдан кейин улардан беш киши ер устига чиқишга муваффақ бўлган, қолганлар эса конда қолиб кетган эди.

Конга қутқарувчилар ва полиция ходимларини тушиpишга тайёргарлик кўрилган бўлса-да, юқори даражадаги қоришма газ аниқлангани туфайли ер остига тушиш ҳукумат томонидан тақиқланган эди. Шундан кейин ўрага иккита қутқарув роботи туширилган, аммо бу ҳеч қандай самара бермаган.



Ер остида қолиб кетган 29 кончидан 24 нафари янги зеландиялик, икки нафари австралиялик, яна икки нафари британиялик ва бир нафари ЖАР фуқароси бўлиб, уларнинг исмлари ва фотосуратлари мамлакат газеталарида нашр қилинган.

***«RAC Foundation» ташкилоти мутахассислари ўтказган тадқиқот хулосасига кўра, Британия йўлларига ўрнатилган тезлик камералари йилига 800 та ўлим билан тугаши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олар экан.***



# Қутқарувчи камералар

2001–2005 йиллар давомида Буюк Британияда тўрт минг дона атрофида камера ўрнатилган (айни пайтда бу кўрсаткич 6 мингни ташкил қилади). Бу вақт оралиғида ушбу камералар йўллардаги ўртача тезликни соатига 33 мил (53 километр)дан соатига 30 мил (48 километр)гача туширишга ёрдам берган. Бу натижа ЙТҲлар сонининг камайиши билан бирга 5 йил мобайнида 800-1300 кишининг ҳаётини сақлаб қолган, шунингдек, яна 3050-4200 инсонни жароҳатланишдан асраган.

2010 йилнинг ўрталарида ҳукуматнинг йўл соҳаси харажатларига давлат ҳисобидан ажратиладиган маблағ миқдорининг камайтирилиши ҳақидаги қарори эълон қилинган эди. Шундан сўнг, тезлик камераларининг фойдалилик даражасини ўрганиш борасидаги изланишлар ҳам бошланган эди. Хусусан, радар хизмати харажатлари маҳаллий ҳокимиятлар бюджети зиммасига юклангандан кейин баъзи графликлар қурилманинг қимматлиги туфайли йўллардаги камералар сонини камайтириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Шунга қарамасдан, айрим графликлар учун тезлик камералари муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Масалан, Лондон яқинидаги серқатнов шосседа ўрнатилган камералар кунига тезликни оширган 100 нафар ҳайдовчини суратга олиб, 2009 йилнинг 5 ойи мобайнида деярли миллион фунт стерлинг «ишлаган».

# «Менга турмушга чиқасанми?»

***Филаделфияда бўлиб ўтган марафонда 23 ёшли АҚШ фуқароси кўнглидаги сўзларини шу таклиф орқали билдирди. Брайан Питкэрн исмли бу йигит маррага бир неча метр қолганда югуришдан тўхтаган ва тиз чўкиб, марафонда қатнашаётган севгилисидан унга турмушга чиқишини сўраган.***

Финиш яқинида тўхтаб қолган бу жуфтликни томошабин ва қатнашчилар қизғин табриклашган. Хабарларда ёзилишича, чопағон келин Кэти Пеллани таклифни қабул қилган. Йигит севгилисининг розилигини олгач, икки ёш марра чизиғини биргаликда, қўл ушлаган ҳолда кесиб ўтишган.

Филаделфия марафонида 20 мингдан ортиқ киши — ҳаваскор югурувчилар, дебютантлар ҳамда профессионал спортчилар иштирок этган.



***Олимлар 15 метр баландликда нисбатан жиддий масофага «учадиган» илонларнинг парвоз сирини аниқлашди. Изланувчилар тадқиқот натижаларини АҚШ физиклар жамияти суюқлик динамикаси бўлинмасининг Калифорнияда бўлиб ўтаётган анжуманида эълон қилишди.***

# Учар илонларнинг «сири» очилди

Илонларнинг беш тури, жумладан, «Chrysopelea paradisi» парвоз қилиш қобилиятига эга. Улар шохдан-шохга сакраб, 24-25 метр масофагача уча олади. «Учиш» механизми фанга номаълум бўлиб, айрим мутахассисларгина бу ҳолатни оддий варрак ёки қоғоздан ясаладиган самолётчаларнинг «парвоз»ига ўхшаш эканлигини тахмин қилишар эди.

Бу фаразни текшириш учун янги тадқиқот қатнашчилари илонлар парвозини видеотасвирга туширишди. Уларнинг парвоз пайтидаги ҳаракатини таҳлил қилиш учун эса жониворлар танасига бир нечта оқ белгилар қўйилди. Олинган тасвирлар ёрдамида тадқиқотчилар «Chrysopelea paradisi»нинг



парвоз моделини тузишди.

Маълум бўлишича, илон ўз танасини ҳаракатга келтирувчи кучни юқорига қараб йўналтирар ва шунинг натижасида ҳавода ҳаракатланар экан. Бир қарашда бу «парвоз» ҳавода шунчаки сирғалишдек кўринса-да, аслида илон танаси доим юқорига қараб ҳаракатланади.

***АҚШнинг NASA фазо тадқиқотлари ташкилотининг ҳамкорларидан бири бўлган «Lockheed Martin» компанияси Ойнинг орқа (Ерга тескари) томонига бортида одамлари билан космик кема юборишга тайёргарлик кўрмоқда. Хабарларга қараганда, кема парвози 2016–2018 йилларга мўлжалланган.***

# Ойга янги саёҳат

Компания транспорт сифатида АҚШнинг 2010 йил февралида ташкил қилинган Ой дастури учун яратилган «Орион» аппаратидан фойдаланишни режалаштирган. Фазогирлар тадқиқот даврида кемадан туриб Ой сатҳида иш олиб борадиган роботлар ҳаракатини бошқаришади.

Режага кўра, экипаж бир ой давомида фазода бўлади. Компания вакилининг сўзларига қараганда, тадқиқот жараёнида олимлар инсоннинг фазо шароитида соғлиққа зарар етмасдан нисбатан узоқ муддат қолиш имкониятларини ўрганишади. Шунингдек, мутахассислар кейинчалик узоқ муддатли парвозлар учун қўлланиладиган «Орион» қурилмасининг хавфсизлик тизимини ҳам синовдан ўтказишади.

«Lockheed Martin» вакилларининг фикрича, ушбу тадқиқот келажакдаги узоқ муддатли глобал космик саёҳатлар, жумладан, одамларни астероидлар устига тушириш ҳамда Марс сайёрасига уюштириладиган парвозлар режасини ишлаб чиқиш учун ҳам фойдали бўлади. Бу икки мақсад АҚШнинг фазони ўрганиш борасидаги янги стратегик режасида асосий ўрин тутади. Ушбу режага кўра, астероид билан боғлиқ тадқиқотлар 2025 йилга, Марс сайёрасига парвоз эса 2030 йилга мўлжалланган.




# Омад ёш танламайди

Германиялик нафақахўр Гюнтер Хансел Исландия сувларида рекорд оғирликдаги палтус балиғини тутишга муваффақ бўлди. Балиқнинг оғирлиги 215 килограмм бўлиб, узунлиги 2,5 метрдир.

70 ёшли балиқчининг гапига қараганда, овланган палтус «унинг ҳаётидаги энг муҳим балиқдир». Ўлжани сувдан кўтариб, қайиққа қўйиш учун овчига бешта ўртоғининг ёрдами керак бўлган.

Хансел овдан қайтгач, ўзининг 215 килограмли ўлжасини 3 минг еврога пуллади. Ҳисоб-китобларга кўра, қария томонидан тутилган ушбу балиқдан тахминан мингта балиқ фи-



лесини тайёрлаш мумкин бўлади.

Овланган палтуснинг аввалги рекорди норвегиялик балиқчилар Боссе Карлссон ҳамда Ганс-Олов Нилссон томонидан 2009 йил ўрнатилган эди.



***Испания полицияси мис ўғирлашга ихтисослашган мамлакатдаги энг йирик жиноий гуруҳга қарши операция уюштирди. Хабарларга қараганда қонун ҳимоячилари томонидан 36 нафар шубҳали шахс қўлга олинган ва 100 тонна мис мусодара қилинган.***

# «Мис» операцияси

Ушбу операцияда 250 дан ортиқ полициячи иштирок этган. Жиноий гуруҳнинг тахминий аъзолари Мадрид яқинидаги асосан лўлилар яшайдиган кулбалардан қидирилган.

Полициячиларнинг айтишича, бутун Испания бўйлаб фаолият юритадиган ушбу жиноий гуруҳнинг бошқарув нуқтаси айнан ўша ерда жойлашган. Жиноятчилар аксар ҳолларда телефон симлари ва турли қувурларни ўғирлашган ва улардан мис ғўлалар қуйишган.

Испания ОАВларида ёзилишича, бир қатор мамлакатларда, жумладан, Хитойда ушбу металга бўлган талабнинг кескин ошиб кетгани туфайли шу йилнинг ноябр ойида миснинг нархи икки баравар — тоннасига 8966 долларгача кўтарилган.

**Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади**

Ishonch 2010-yil 25-noyabr
№ 139 (2864)





*Япониядаги оламшумул кашфиётларни ўз кўзи билан кўришни нафақат катталар, балки болалар ҳам орзу қилишади. Ўзбекистон Бадиий Академияси Халқаро маданият карвонсаройи Республика ихтисослаштирилган санъат мактабида ташкил этилган «Япония — ўзбек болалари нигоҳида» кўргазмасини шундай орзулар ҳосиласи сифатида дунёга келган дейиш мумкин.*

# Япония — ўзбек болалари нигоҳида

— Япониядаги Сока университети томонидан эълон қилинган «Япония болалар нигоҳида» номли суратлар танлови асосида уюштирилган кўргазма жорий йилда иккинчи маротаба ташкиллаштирилмоқда, — дейди санъатшунос Нигора Ёдгорова. — Аввалги тадбир республика миқёсида олиб борилган бўлса, бу сафар Республика ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг фақатгина 9-13 ёшли ўқувчилари иштирок этишмоқда. Анъанавий тусга кираётган мазкур кўргазма Ўзбекистон рассомларининг ёш авлодини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Сока университети 1971 йили Токио атрофидаги Хачиодзи шаҳарчасида барпо этилган бўлиб, фаолиятининг муҳим жабҳаларидан бири ёш авлод тарбиясига қаратилган.

— Мазкур кўргазма юртимиз болалари дунёқарашининг кенгайишига, кунчиқар мамлакат маданияти билан яқинроқ танишишга ёрдам беради, — дейди Турсунали Қўзиев. — Айни пайтда Японияда ҳам «Ўзбекистон — япон болалари нигоҳида» суратлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Асарларни томоша қила туриб, болалар хаёлотининг нақадар бой эканлигидан ҳаяжонландим.

Чиндан ҳам ёш рассомларимизнинг Японияни кўрмасдан туриб, ажойиб асарлар яратгани кишини ҳайратга солади. Улар орасида мухлислар эътирофига энг кўп сазовор бўлгани ғолибликка ҳам даъвогарлик қилди. 1-ўринни Дилрабо Зоирова («Баҳор рақси»), 2-ўринни Данил Цингалов («Қиличбозлар») ва Диёра Султонова («Учрашув»), 3-ўринни Муҳаммад Саидқулов («Сумо курашчилари»), Гулруҳ Ибрагимова («Шаҳзода») ҳамда Илҳом Тўрабоев («Самурай») эгаллашди.

Яна кўпгина иштирокчилар рағбатлантирувчи сертификат ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бугунги муваффақиятим янада кўпроқ ижод қилишга ундайди, — дейди «Дўстлик абадий» сурати учун рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган Машҳура Неъматжонова. — Асарим орқали япон ва ўзбек халқлари орасидаги меҳр-оқибатни тасвирлашга ҳаракат қилдим.

Дарҳақиқат, мазкур танлов давлатлараро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Кўргазма давом этмоқда .

**Н. БОЙМУРОДОВА.**
**Муаллиф олган суратлар**

## Тадбир

***Яқинда Сирдарё вилоятида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ёшлар билан она табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мавзуида ташкил этилган давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирди.***

# Барчаси яхшилик учун

Тадбир доирасида мавзуга оид иншолар танлови, турли спорт беллашувлари бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан Гулистон шаҳридаги марказий истироҳат ва дам олиш боғи бир ҳафта давомида болажонларга бепул хизмат кўрсатди.

Кўрик-танлов ва беллашувларнинг фаол иштирокчиларига ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда кам таъминланган оилаларнинг 300 нафар фарзанди иштирок этди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

# Минг асрлар ичра пинҳон...

***Давлатимиз мустақилликка эришгач, кўплаб мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунё олимлари билан самарали ҳамкорлик ва илмий алмашинувга имкон яратилди. Бунга, Германия археология институтининг Марказий Осиё тарихчи олимлари, қадимшунослари билан ҳамкорлиги ёрқин мисол бўла олади.***

## Семинар-кўргазма

Яқинда Термиз археология музейи ва Германия элчихонаси ҳамкорлигида «Марказий Осиёда археологик тадқиқотлар» мавзусида халқаро семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Кўзланган мақсад кейинги йиллардаги қазилма ишлари билан жамоатчиликни таништиришдир.

Семинарда германиялик таниқли археолог Никалаус Бороффка Бойсун тоғлари этагидаги Қўрғонзол топилмаси ҳақида маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, милоддан олдинги IV асрга тегишли қурилма метални қайта ишлаш борасида тасаввур беради. Бу ердан Марказий Осиёда ягона бўлган сопол ванна топилган. Француз тадқиқотчиси профессор Пьер Лериш, россиялик Сергей Болелов, Виктор Соловёв, ўзбекистонлик Шокир Пидаев, Шопўлат Шайдуллаев бир-биридан қизиқарли маълумотларни тингловчилар эътиборига ҳавола қилди. Айниқса, археолог Шопўлат Шайдуллаевнинг Бақтрия антик даври янги тарихи очилиши мумкинлиги, шу пайтгача Сурхондарё учун характерли бўлмаган скиф қўрғонларига ўхшаш қўрғонлар ҳақидаги маърузаси барчани қизиқтириб қўйди.

Мутахассислар фикрича, юртимиз қадим маданиятларининг бетўхтов ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорликларга бой, уларнинг кўпи ҳали ўз тадқиқотчиларини кутяпти.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгаши раиси Муяссар Қодировага падари бузруквори

**ЖУМА** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Insonga naf keltirish — oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир:**
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

**Вилоят мухбирлари:**
Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи котиб:** Ж.Шарофбоев

**Навбатчи:** Ш.Абдусамадов

**Мусаҳҳиҳ:** С.Шодиева

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 03.58
Топширилди - 04.30

Буюртма Г— 1051

Тиражи: 11004

ISSN 2010-5002

2345